Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 1 декабрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 95 (7394)

МДҲнинг ЮБИЛЕЙ САММИТИ



Суратда: саммит ишидан лавҳа.

А.ТЎРАЕВ олган сурат. (ЎзА)

Москва. 30 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Россия пойтахтида МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Маълумки, декабрь ойида МДҲ ташкил топганига ўн йил тўлади. Президентлар ўтган ана шу вақт мобайнида Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилди, МДҲнинг бугунги аҳволи ва келажаги хусусида фикр алмашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ҳамдўстлик фаолиятида биринчи галда ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция масалаларига эътиборни янада кучайтирмоқ кераклигини, ҳар хил ҳарбий-сиёсий мавзуларга чалғимай, ўзаро манфаатли муносабатларни равнақ топтиришга интилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Зотан, МДҲни тузишдан мақсад ҳам мавжуд иқтисодий ришталарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат эди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг ялпи мажлисида ўзаро савдодаги чекланишларни бартараф этиш борасидаги ишлар, товарлар ва хизматлар оқимини кўпайтириш ва енгилатиш учун ахборот-маркетинг марказларини тузиш, таълим, маданият, солиқ, божхона соҳаларида фаолият кўрсатувчи муассасалар, хўжалик судлари ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда Афғонистондаги вазият ва мазкур мамлакат халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда хавфсизлика оид масалалар ҳам кўрилди.

Давлатлар раҳбарлари МДҲ тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир баёнотларга имзо чекди.

(ЎзА)

E'tirof

2001 ЙИЛНИНГ ТАНИҚЛИ ОЛИМИ

Таниқли олим, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор Ўсарбой Алеуов Марказий Осиё халқларининг қадимги ижтимоий ва таълим-тарбиявий фикрлари тарихи билан шуғулланувчи етакчи мутахассислардан бири.

Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишга катта ҳисса бўлиб қўшилган унинг "Мовороуннаҳр халқлари педагогикаси" 1992 йили Москвадаги маданият ва умуминсоний қадриятлар халқ академияси ва Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган танловда биринчи ўринга сазовор бўлган эди.

У.Алеуов педагогика ва психология кафедрасини бошқариш билан бирга Нукус давлат педагогика институти қошида "Қорақалпоқ халқининг этнопедагогикаси" номли илмий лабораторияни ҳам узоқ йиллар бошқариб маҳаллий халқ этнопедагогикаси бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб борди.

Шунингдек, олим Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида тарих фани бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгаш аъзосидир. Олим ҳаёти ва ижодига "Ўзбек педагогикаси антологияси"да ҳам ўрин берилган.

Яқинда ҳамкасбимиз Ў.Алеуов Англиядаги Кэмбриж университети қошида ташкил этилган халқаро биографик марказнинг 2001 йилдаги таниқли олими даражасига лойиқ деб топилди. Марказий Осиё халқларининг педагогик тарихини чуқур ўрганган олимнинг 20 га яқин китоби, 130 дан ортиқ илмий мақолалари бор. Ўсарбой Алеуов ҳозирги вақтда Шарқ халқларининг қадимий даврдаги ижтимоий педагогик ғоялари тарихини, шунингдек халқ педагогикаси муаммоларини тадқиқ қилиш билан шуғулланмоқда.

Бекмурод ҚОДИРОВ

СЕНГА ОМАД ЁР БЎЛСИН, ФЕРУЗА!

Faxr

Президентимиз билимли ва иқтидорли ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашни доимо уқтирадилар. Бу соҳада академик лицейимизда ҳам қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Она тили ва адабиёти ўқитувчилари томонидан ёшларга миллий ғоя ва миллий мафкурани сингдириб борувчи "Маънавият — қалбим қуёши", "Ватан остонадан бошланади", "Миллий мафкура — руҳий ва маънавий қудрат" каби мавзуларда суҳбатлар, иншо танловлари ўтказилди. Хотин-қизлар кенгаши аъзолари "Ўзбек қизининг асл қиёфаси", "Миллий анъаналаримиз" мавзусида суҳбатлар уюштирмоқда. Бу ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда. Қулимизда академик лицей талабаси Феруза Файзиева номига БМТ бош котиби Кофи А.Аннандан келган миннатдорчилик хати турибди. Унда Ферузанинг одоби, билими учун ташаккур айтилган. Жумладан, номада шундай илиқ сўзлар бор:

"Ҳурматли Феруза Файзиева! Сени БМТнинг Тошкентдаги ахборотлар марказида уюштирилган викторинада қатнашиб тенгдошларинг орасида ғолиб бўлганинг билан чин дилдан табриклайман! БМТнинг роли ва вазифаларини сен каби чуқур биладиган ёшлар борлиги жуда қувончли хол. Бу менинг келажакка бўлган ишончимни орттиради ва бехад қувонтиради. Сенга омад ёр бўлсин, Феруза!

Кофи А.Аннан
БМТ бош котиби»

Феруза академик лицейнинг энг одобли ва билимли талабаларидан бири. У барча фанларни айниқса, она тили ва адабиётни, инглиз тили фанларини севиб ўрганмоқда. Аълочи бўлиши билан бирга Абдулла Қодирийнинг Кумушбибисидаги каби чинакам ўзбек қизларига хос одоб, ҳаё, ўта маданиятлилиги уни бошқалардан ажратиб туради. У барча синфдошларига "Сиз"лаб мурожаат этади, агар қойиса ҳам "Сиз"лаб қойийдики, болалар дарров сергак тортиб қолишади. Унинг ўта тиришқоқлиги синфдошларини ҳам яхши ўқишга ундайди.

Феруза инглиз тилини яхши билиш билан бирга Алишер Навоийнинг энг қийин ғазалларини севиб ёд олади ва қойиллатиб айтиб беради. У ўз она тилини ҳамма фанлардан ортиқ кўради.

Мукаррама АСҚАРОВА,
ТошДИУ қошидаги
академик лицей
она тили ва адабиёти
ўқитувчиси

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

Чоршанба

Пайшанба

ЖАНУБИЙ ВИЛОЯТГА

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Афғонистон билан чегарадош бўлган мамлакатларга тиббий ёрдам кўрсатиш дастурига кўра Сурхондарё вилояти аҳолисига 9 минг долларлик дори-дармон берди.

Давлат шошилинч ёрдам кўрсатиш илмий маркази Термиз филиалида хориждан келтирилган дори-дармон ҳамда тиббиёт воситаларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

МАҚСАД - АЛОҚАНИ ЯХШИЛАШ

Олтинсой ва Денов туманлари ўртасида 21 километрлик шиша толали кабел ўтказилмоқда. Бир вақтнинг ўзида Олтинсойдан Шўрчи томонга ҳам кабел тортиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишларни Ўзбекистон – Индонезия қўшма корхонасининг бу-юртмасига асосан "Ўзбекистоналоқаинвест" акциядорлик компанияси қурувчилари амалга оширишмоқда.

ЎҚУВ ЖАРАЁНИГА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Давлат Жаҳон тиллари университети қошидаги Академик лицейда "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига янги педагогик технологияларни жорий қилиш ва такомиллаштириш" мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Жамият асосини оила ташкил этар экан, ўз навбатида оилада онанинг тутган ўрни беқиёсдир. Кўпроқ, унинг саъй-ҳаракати туфайли фарзандлар келажакда комил инсон бўлиб етишадилар.

ҲАРАКАТДАГИ КУРСЛАР

Бухоро вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси тасарруфидаги ўқув муассасаларида доимий ҳаракатдаги малака ошириш курслари ташкил этилди. Бундан асосий мақсад тизимда фаолият кўрсатаётган умумтаълим касбий фан ўқитувчиларининг маънавий ва касбий-педагогик билим даражасини ишдан ажралмаган ҳолда такомиллаштириб боришдан иборат.

—Туб ўзгаришлар даврида яшаяпмиз. Ривожланиш суръати нафақат ҳозирги замон, балки эртанги кун талабига жавоб бера оладиган мутахассисларни, билимли ёшларни тайёрлашни тақозо этмоқда. Ўқитувчи касб малакасини муттасил бойитиб бормасдан туриб бу вазифанинг ижобий ечимига эришиб бўлмайди,—дейди вилоят ЎМКҲТ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Нусрат Шарипов мазкур тадбир моҳиятини изоҳлаб. —Ҳаракатдаги курслар айнан ана шу мақсадга қаратилган. Муайян фан ўқитувчилари ҳар ҳафтада бир кун ишдан озод қилинадилар. Шу куни улар бошқарма тасарруфидаги моддий-техника базаси ҳар томонлама талабга жавоб берадиган ва таълим сифати юқори бўлган ўқув муассасаларидан бирида тўпланиб, маърузалар тинглайдилар, вилоятдаги бошқа ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашадилар, мавжуд муаммо ва ўзларини қизиқтирган масалаларнинг ечимини излайдилар, фикрлашадилар.

Бу жараён 18 ҳафтага режалаштирилган. Ҳар бир фан бўйича режалаштирилган курсда 446 соат дарс ўтилади. Машғулотлар асосан маънавият, компьютерни ўрганиш ва касбий билимларини ошириш йўналишида олиб борилади. Тажрибали ўқитувчилар курс раҳбарлари қилиб белгиланган. Масалан, вилоят академик лицейи ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари, филология фанлари номзоди Назира Қосимова она тили ва адабиёти, Вобкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси М.Мирзаева хорижий тиллар, Бухоро енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари О.Абдуллаева, М.Муродова, О.Каромовалар физика, математика, информатика фанлари курсларига бошчилик қилишмоқда. Сабоқларга омилкор ўқитувчилар, амалиётчи мутахассислар, олимлар таклиф этилаяпти. Касбий фанлар йўналиши бўйича ҳаракатдаги курслар қишки таътил кунларида бўлади.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
“Маърифат“ мухбири

АСОСИДА ИНСОН ТАҚДИРИ ЁТАДИ

Конституция — жамият, давлат ҳаётининг энг муҳим хусусиятларини, масалаларини ўзида ифодаловчи ҳамда уларни умумий тарзда тартибга солувчи норматив ҳуқуқий ҳужжатдир. Жумладан, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам айнан халқ манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилган. Зеро, унинг 2-бобига кўра, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаи ҳисобланади.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган халқаро ҳуқуқнинг барча қоидалари бизнинг конституциямизда ҳам ўз аксини топди ва унинг устунлигини тан олиниши алоҳида белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, 1948 йил 10 декабрдаги “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида” илгари сурилган инсоннинг яшаш, турар жой даҳлсизлиги, билим олиш, меҳнат қилиш, ижтимоий таъминот каби ҳуқуқлари, шунингдек, энг олий қадриятлар ҳисобланган сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги, шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш каби умумбашарий қоидалар ифодаланган.

У.ОХУНОВ
талаба

Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқий негизини биринчи галда унинг миллий рамзлари ташкил этар экан, ўз навбатида она-Ватаннинг Конституцияси, мадҳияси, герби, байроғини мукаммал билиш инсоннинг юртига бўлган муҳаббатини англатади. Бугун республикамиздаги барча мактабгача таълим муассасаларида ана шу нарса кенг йўлга қўйилган.

Суратда: Юнусобод туманидаги 301-махсус соғломлаштириш боғчаси тарбиячиси Дилноза Акромова болажонларга миллий рамзларимиз ҳақида маълумот бермоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ
олган сурат

АЁЛ — ОИЛА ТАЯНЧИ

Tadbir

Жамият асосини оила ташкил этар экан, ўз навбатида оилада онанинг тутган ўрни беқиёсдир. Кўпроқ унинг саъй-ҳаракати туфайли фарзандлар келажакда комил инсон бўлиб етишадилар. Шу боис, жорий йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб аталиши ҳам бежиз эмас.

Яқинда республика хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Экосан” халқаро жамғармаси ҳамкорликда Ўзбекистон Миллий академик театрида “Ёш оналар” кўрик-танловининг якуний босқичини ўтказишди. Асосий мавзуи экология ва саломатлик йўналишида бўлган ушбу танловда Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан келган 14 нафар ёш оналар 4 шарт бўйича беллашдилар.

Энг қувонарлиси, ҳар бир иштирокчининг мазкур баҳслашувга масъулият билан ёндашганлиги, уларнинг соғлом оилавий муҳит яратишда онанинг ўрни, фарзанд тарбияси, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби масалалар бўйича чиқишларида яққол кўзга ташланди. Шунингдек, унда 1-ўрин Сирдарё вилоятидан Нодира Шербековага, 2-ўрин наманганлик Дилфуза Ҳасанбоевага, 3-ўрин эса мезбон, пойтахтлик Шоҳида Иброҳимовага насиб этди ва ғолиблар Фахрий ёрлиқ, диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Тадбир ниҳоясида сўзга чиққан республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилбар Ғуломова Юртбошимизнинг жамиятда аёлларнинг роли ҳақида айтган гаплари бугун ўз ифодасини топаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Лайло РУСТАМОВА,
талаба

Anjuman

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ЯНГИЛАШ ЙЎЛИДА

Айни кунда мамлакатимиз таълим тизимининг барча жаб-ҳаларида таълим-тарбия жараёнига янги педагогик техноло-гияларни жорий қилиш ва уларни такомиллаштириш ишлари авж олган. Бу борада жойларда қатор тадбирлар — йиғилишлар, амалий семинарлар, илмий анжуманлар, чет эллик мутахассислар иштирокида турли хил тренинглар ташкил этилаяпти. Шу ҳафтада пойтахтимиздаги УзДЖТУ қошидаги Акмал Икромов академик лицейида ЎМКҲТ Маркази томонидан ташкил этилган икки кунлик республика илмий-амалий конференцияси ҳам ана шу масалалар доирасида бўлиб ўтди.

Конференцияда ТДПУ инновацион технологиялар маркази директори, профессор Н.Азизхўжаева ўқув-тарбиявий жараёнда янги таълим технологияларини амалиётда тадбиқ қилиш масалалари бўйича маъруза қилди. УзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи директори Б.Йўлдошевнинг ўқув материалларининг электрон шаклларини тайёрлаш ва уларни қўллашга оид тавсиялари анжуман қатнашчиларида зўр қизиқиш уйғотди. Айниқса, мазкур академик лицей жамоасининг УзМУ мутахассис олимлари билан ҳамкорликда яратган маҳсулотлари намойиши йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Европа таълим фондининг мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ТАСИС лойиҳаси директори Маҳмуд Қосимов касб-ҳунар таълими тизимида таълимнинг модул принципларини жорий қилиш хусусида сўз юритди. Ўқувчиларнинг танқидий фикрлашини ривожлантиришда янги педагогик технологиянинг таъсири тўғрисида БухДУ қошидаги академик лицей директорининг ўринбосари Н.Қосимова, таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари хусусида ТДПУ доценти Д.Толипова маъруза қилдилар. ЎМКҲТРИда сунгги пайтда яратилган замонавий ўқитиш воситалари ва ахборот технологиялари, таълимдаги махсус компьютер дастурлари ҳақида мазкур институт бўлим бошлиғи Э.Ҳасанов ахборот берди.

Анжуман қатнашчиларига янги таълим технологияларини ўқув-тарбиявий жараёнга амалий татбиқ этишни ўргатиш мақсадида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари, муҳандис-педагоглари иштирокида махсус тренинглар уюштирилди.

Дастур бўйича анжуман иштирокчилари иккинчи куни УзДЖТУ қошидаги академик лицейда ташкил этилган очиқ дарсларни кузатишди. Сунг гуруҳларга бўлиниб, шўъба ишларида иштирок этишди. Кун ниҳоясидаги умумий йиғилишда шўъба раҳбарларининг ҳисоботи тингланиб, анжуманнинг тавсиялари қабул қилинди.

Нурлан УСМОНОВ,
“Маърифат” мухбири

ҚУТЛУҒ САНА АРАФАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун 8 декабрь йил тақвимидаги қувончли байрамлардан бири. Бу кун нафақат байрам сифатида, балки озодлик, ҳурлик, инсонийлик, меҳр-мурувват ва саховат рамзи сифатида ҳам кенг нишонланади.

Институтимиз чет тиллар кафедрасида Конституция куни олдидан биринчи ва иккинчи курс талабалари иштирокида давра суҳбати уюштирилди. Ёшлар бунга бажонидил келдилар ва дунёдаги ривожланган давлатлар Конституциялари ҳақида бир-бирларини бохабар этдилар. Айни пайтда ўзимизнинг бош қомусимиз хусусида ҳам фикр алмашишди.

Давра суҳбати қатнашчилари инсон ҳуқуқларини таъминловчи асосий қомусимиз дунёдаги энг нуфузли давлатлар конституциялари билан тенгма-тенг ва кенг ҳуқуқий имкониятларга эга эканлиги, у барча жабҳаларда муваффақиятли қўлланилаётганини эътироф этдилар.

Ўйлайманки, бундай тадбирлар талабаларнинг онги ва савиясини кенгайтиради, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билишида, ҳуқуқий маданиятни эгаллашларида муҳим роль ўйнайди.

Х.АБДУРАХМОНОВА,
Тошкент давлат юридик институти чет тиллар кафедраси доценти

Нукусдаги Есжон Коспулатов номидаги санъат мактабида миллий рақс сирларини ўргатиш кенг йўлга қўйилган. Бу эса болажонларнинг нафақат маънавий, балки жисмонан соғлом ривожланишларига ҳам катта ёрдам беради.

Суратда: ўқитувчи Роза Эмирова ёш раққосалар билан машғулот пайтида.

О.МУРОТОВ олган сурат

ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Олий педагогика институтида “Олий ўқув юрти талабалари, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш“ мавзусидаги илмий-методик конференцияда Ўзбекистон Конституциясининг 9 йил ичида синовдан ўтганлиги, ундаги ҳар бир боб ва моддалар ҳаётда ўз тасдиғини топганлиги йиғинни кириш сўзи билан очган институт директори Ш.Шаропов нутқининг асосини ташкил этди.

Юридик фанлари номзоди, доцент Йўлдош Содиқов, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъул ходими Х.Маъсудовлар анжуманда маъруза қилишиб, унинг илмий-методик жиҳатдан ўрганилишига эътибор қаратиш лозимлигини таъкидладилар.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Н.Қодиров кундалик ҳаётимизда Конституциянинг роли ва мазкур фанга аталган дарслик, методик қўлланмалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, уни ўрганиш даврий бўлмасдан доимий бўлишини айтди.

М.ВАЛИХОНОВ

Milliy istiqlol g'oyasi

МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР САРЧАШМАСИ

Миллий истиқлол ғояси тушунчасига аниқлик киритганимизда қадриятларимиз тушунилса, унинг тамойиллари қадриятларимизни тиклаш, сақлаш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Ана шундай энг қадимий миллий қадриятларимиздан бири маънавий ёдгорлигимиз "Авесто"дир. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, у бугун биз яшаб турган тупроқда буюк давлат, буюк маънавият бўлганлигидан гувоҳлик берувчи бебаҳо тарихий ҳужжат бўлиб, минг йиллар, асрлар давомида авлод-аждодларимиз учун маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган.

Дарҳақиқат, "Авесто" халқимиз тарихининг энг қадимги даврлардаги ҳаёти, урф-одатлари, дунёқараши, моддий-маънавий турмуши, давлатчилигимиз илдизлари ҳақида муҳим маълумотлар манбаидир. Ана шу жиҳатларини ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Авесто" яратилганининг 2700 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги (2000 йил 18 апрель) фармойиши нақадар муҳим эканлигини ҳис қиламиз.

"Авесто"нинг 2700 йил аввал яратилганлигини тарихий манбалар тўла тасдиқлайди. Зардўштийлик таълимотининг асосчиси Зардўшт ҳам бундан 2700 йил муқаддам - милоддан аввалги VI асрда ватанимизда яшаб ўтган. Илк давлатчилик шаклана бошлаган бу даврда турли эътиқодларга сиғинган қабилалараро низоларга чек қўйиш, уларни ягона мафкура атрофида бирлаштириш эҳтиёжини тўғри англаган Зардўшт яккахудолик ва эзгулик учун курашиш ғояларини илгари суриб, тарғиб этган. Бу ғояларга кўра олам ёруғлик билан зулмат, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги курашдан иборат. Ахурамазда эзгулик, яхшилик худоси оламнинг яратувчиси сифатида эътироф этилади ва фақатгина унга эътиқод қилишга даъват этилади. Ёмонлик ва эзгулик тимсоли бўлган Ахриман, Ахурамаздага қарши тинимсиз курашади, бироқ уни енгишга ожизлик қилади. Ёвузликка қарши курашда эзгу фикр, эзгу амал ва эзгу сўз асосий қурол сифатида кўрсатилади.

"Авесто"да улуғланган, тарғиб этилган маънавий ва ахлоқий қадриятлар, эзгулик ғоялари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, аксинча, улар истиқлол туфайли қайта тикланиб, изчил ривожлантирилмоқда.

Чунончи "Комил инсон" ғоясида ҳам "эркин фуқаролик жамиятини маънавий баркамол, эзгу ғоялар ҳаётий эътиқоди бўлган инсонларгина бунёд эта олиши" алоҳида таъкидланади.

"Авесто"да табиатнинг тўрт унсури бўлган ер, сув, ҳаво ва олов алоҳида эъзозланади. Табиатни муҳофаза қилиш, сувни тежаш, ҳавони мусаффо сақлаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш зарурлиги таъкдланади, ерга ишлов бериб, унинг унумдорлигини оширган, мўл ҳосил кўтарган деҳқон олқишланади, бу эзгулик намунаси сифатида улуғланади. Шунингдек, Ахурамазда инсон саломатлиги ва табиат барқарорлиги учун зарур бўлган ҳавонинг мусаффолиги учун курашиб, уни ифлослантиришни гуноҳи азим, деб баҳолайди.

"Авесто"да ҳаётнинг асоси бўлган сувни асраб, тежаган, ундан унумли фойдаланган кишилар олқишланади. Ёруғлик манбаи бўлган қуёш ва олов ҳам муқаддас куч сифатида улуғланади. "Авесто"да ер, сув, қуёш ва оловни, табиатни пок ва бутун асраш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги алоҳида таъкидланибгина қолмай, уларни асраш қоидаларини бузганлар жазога ҳукм этилади.

Табиатни асраш, ундан тежамкорлик билан унумли фойдаланиш муаммолари бугунги кунда ҳам давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Чунончи, "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар" рисоласида ҳам "табиий бойликлар, ер ресурслари, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжини қондириш ва бунёдкорлик қобилиятини рўёбга чиқаришнинг асосий замини" эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган.

"Авесто"да оила масалаларига ҳам эътибор берилган. Унда эркак киши уйланиш учун маънавий жиҳатдан етилган, жисмонан соғлом ва бақувват бўлиши, турмуши моддий жиҳатдан таъминланган бўлиши кераклиги таъкидланган. Бунда ўзаро қонқариндош кишилар оила қуриши тақиқланган, кўп болали оилаларга ижтимоий ёрдам кераклиги кўрсатилган. Шунингдек, "Авесто"да бола тарбиясига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган ва унда фарзандларга ахлоқий, жисмоний, диний (маънавий) тарбия бериш ва савод-ли қилиш зарурияти алоҳида таъкидланган. Болалар қалбида эзгуликка муҳаббат ва эътиқод ҳиссини тарбиялашга урғу берилган. Болани жисмонан чиниқтириш, ҳарбий машқларни эгаллаш, ўзини ҳимоя қила олиши лозимлиги назарда тутилган. Энг муҳими, маърифат улуғланиб, илму ҳикмат ҳамиша ғолиб чиқиши болаларга уқтирилган.

Мустақил Ўзбекистонда "Оила", "Оналар ва болалар" йилларининг эълон қилиниши ва айнан бу масалаларга эътибор берилаётгани миллий истиқлол ғоясининг тарихий илдизларига асосланилаётгани ва ривожлантирилаётганини кўрсатмоқда. Бир неча минг йиллар илгари сурилган қадриятлар бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, давлатимиз томонидан қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Соғлом авлод учун" давлат дастурларида асосий вазифалар сифатида белгиланиб, замон талаблари даражасида, аниқ тадбирлар асосида изчил ва кенг амалга оширилаётгани халқимизнинг азалий қадриятлари тикланиб, ривожлантирилаётганлигининг яққол намунасидир.

Ёвузлик, адолатсизликка қарши кураш "Авесто"даги асосий ғоялардан бири бўлиб, унда Ахурамазда яратган қонунларга амал қилинса, адолат ва эзгулик ғалаба қозониши таъкидланади. Ёвузликка қарши курашда қонунларга риоя этиш талаб қилинади, шунингдек, савдо-сотиқ ишларида мажбурият ва шартномаларга қатъий амал қилишга даъват этиладики, буларнинг бари ҳуқуқий давлат қуриш йўлида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва унга беистисно бўйсунишни таъминлаш сиёсати олиб борилаётган бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Айниқса, "ёвузликка, адолатсизликка қарши ўз иймон ва этиқодини сақлаган ҳолда курашиш" ғояси алоҳида эътиборга лойиқ бўлиб, адолат учун фақатгина адолатли йўл билан курашиш зарурлигини аждодларимиз бундан бир неча минг йиллар олдин англаб етганлигини намоён этади.

"Авесто"да меҳнат улуғланади. "Агар кишини эзгуликка етакловчи омил илм бўлса, уни яратиш учун инсон меҳнат қилиши, ўз қўли билан моддий ноз-неъмат яратиши лозим", деб уқтирилади, текинхўрлик қораланади. Ундаги "Меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторидан жой оласан!... Ноз-неъматларнинг бари меҳнат қилаётган, тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Абадул-абад шундай бўлажак?", деган сатрлар бозор иқтисодиётига асосланган эркин жамият қураётган бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ, чунончи, миллий истиқлол ғояси "Ўзбекистон халқидек меҳнаткаш, миришкор ва тадбиркор халқ ўз турмушини ўз қўли билан фаровон қилишга қодир" эканлиги, яъни, инсон ўз меҳнати, тадбиркорлиги ишбилармонлиги билан фаровон ҳаётга эриша олиши мумкинлигини алоҳида таъкидланган.

Юқорида "Авесто"да миллий давлатчилигимиз илдизлари ҳам яққол кўзга ташланишини айтиб ўтгандик. Унда кўрсатилган ижтимоий, ҳуқуқий муносабатлар ўлкамизда ўша даврларда давлат бошқаруви мавжуд бўлганлигидан далолат беради. "Авесто"да давлат бошлиғи қандай бўлиши лозимлиги ҳам белгилаб берилган. Чунончи, ҳукмдорлардан "ақл фаросатли, одил, адолатпарвар, ҳақгўй бўлиш, жамиятда ҳамжиҳатликка эришиш. Уни парчалашга интилувчи кучларга аёвсиз зарба бериш" талаб этилади, бу фуқарога фарз, деб буюрилади.

"Авесто" матнларини ўрганиш асосида ҳозирги замон тадқиқотчилари унда давлатчилик ҳақидаги қарашларнинг маълум бир тизими борлигини аниқладилар. Дейлик "Авесто"да давлатчиликнинг маъмурий бошқарув тизими, бошқарув тамойиллари, ундаги ҳуқуқий муносабатлар ҳақида маълумотлар аниқланган. Унда ҳуқуқ деганда юксак ахлоқ, қонунчилик тушунилган, ҳокимият деганда эса бошқарув органлари, мудофаа қудрати, ҳарбий куч, жамият ва шахснинг яратувчанлик кучи, салоҳияти назарда тутилган.

Демак, "Авесто" ўзбек давлатчилигининг илдизлари нақадар чуқур бўлганлигидан далолат берувчи муҳим тарихий манбадир.

"Авесто"да тиббиёт ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар бор. Унда табиблик, унга рухсат бериш қоидалари, уларга ҳақ тўлаш, уларни имтиҳон қилиш йўллари баён этилган. Унда гигиенага алоҳида эътибор берилиб, инсонлар покликка, тозаликка даъват этилади. "Дунёда энг яхши нарса — тозаликдир" дейилади, ҳатто доялик, эр-хотинлик муносабатлари, гинекологик касалликлар ҳақида сўз боради, юқумли касалликлардан сақланиш ҳақида маслаҳатлар берилади.

Ушбу нодир манбанинг 12 минг терига тилла суви билан битилганлиги ўша қадим даврлардаёқ аждодларимиз терига ишлов бериш ва хаттотлик бўйича юксак тажрибага ва технологияга эга бўлганлигини кўрсатади.

Мухтасар айтганда, "Авесто" ахлоқий қадриятлар кўзгуси, тарихий билимлар манбаи бўлибгина қолмай, унда фалсафа, тиббиёт, фалакиётга оид қимматли маълумотлар ҳам мужассамлашганлиги туфайли миллатимизнинг юксак маънавий, маданий қадриятларидан биридир.

"Авесто" неча минг йиллар аввал яшаб ўтган аждодларимизнинг ақлий салоҳиятини акс эттириб, халқимизнинг буюк ўтмиши, юксак маънавиятидан дарак беради. "Авесто"да илгари сурилган илғор ғоялар ўз даврида нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун ғарб илму фани, фалсафасига ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ушбу манба нафақат Ўзбекистон тарихи, балки инсоният тарихидаги муҳим ҳодиса бўлиб, жаҳон динларидан бири бўлган зардўштийлик эътиқодининг асосий ғояларини, ўша давр жамиятининг мафкурасини, ижтимоий сиёсий ҳаётини акс эттиради.

Айнан шу туфайли ҳам ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 2000 йил ноябрь қарорига кўра, шу кунларда "Авесто"нинг 2700 йиллиги кенг нишонланмоқда. Юбилей тантаналари Юртбошимиз таъкидлаганидек, "башарият мулкига айланиб кетган "Авесто" китобини минг йиллар давомида асраб-авайлаб, ўқиб ўрганиб, унинг олийжаноб ғояларига амал қилиб, уларни тарғибу ташвиқ қилиб келаётган барча халқларнинг байрамидир".

"Авесто"да тараннум ва тарғиб этилган маънавий ва ахлоқий қадриятлар, илғор ғоялар истиқлол туфайли ватанимизда яна қайтадан тикланиб, ривожлантирилмоқда. Улар мустақил Ўзбекистоннинг миллий истиқлол ғоясида ўзининг такомилига етказилган ва чуқур ривожлантирилган ҳолда изчил амалга оширилмоқда.

Доно ЗИЯЕВА,
тарих фанлари доктори

Tajriba-sinov

НАМУНАВИЙ ФАН ХОНАЛАРИ

Таълим сифатини яхшилаш ва бу борада кўзланган натижаларга эришиш нафақат ўқитувчининг касб маҳорати, дарслик ва ўқув қўлланмаларига, балки барча фанлар бўйича кўргазмали қуроллар, техник воситалар ва бошқа замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган фан хоналарига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Республика Таълим Марказида яқинда бўлиб ўтган "Умумий ўрта таълим мактаблари фан хоналарини жиҳозлаш бўйича тажриба-синов ўтказиш"га бағишланган йиғилишда республика ХТВ, РТМ, Тошкент ШХТББ ходимлари, пойтахтимизнинг шаҳар ва туман ХТБлари мудирлари, услубчилар, мактаб раҳбарлари иштирок этди. Унда ХТВ умумий ишлар бўлими бошлиғи З.Жалолиддинов йиғилганларни мазкур масала тўғрисидаги вазирликнинг махсус буйруғи ва тажриба-синов ўтказиш низоми билан таништирди.

РТМ директори Г.Алимова Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи вазифаларини бажаришда соҳа ходимлари олдида турган бир қатор муаммолар ва уларни ижобий ечиш масалалари хусусида сўз юритди. Шунингдек, РТМ мутахассислари томонидан "Фан хоналарининг жиҳозланиши" намунавий рўйхати ишлаб чиқилгани ва унинг асосида жиҳозланган намунавий мактабларнинг дастлаб пойтахтимизда тажриба-синовдан ўтказилиши, кейинчалик эса, натижаларга қараб, уни республика миқёсида оммалаштириш ҳақида батафсил маълумот берди.

Шу ўринда мазкур тажриба-синов йил давомида уч босқичда ташкил қилинишини таъкидлаб ўтмоқчимиз: биринчи босқич — ХТВ томонидан белгиланган мактабларни ДТСлари ва дастурий талаблар асосида фан хоналари, лаборатория, устахоналар йўналишлари бўйича ўқув-методик мажмуага мос зарур асбоблар билан жиҳозлаш; иккинчи босқич — РТМ тавсия қилган намунавий рўйхат асосида ўқув анжомлари ва кўргазмалар билан таъминлаш; учинчи босқич эса — фан хоналарида намунавий дарслар ўтказиш ва зарурий хужжатларни ишлаб чиқиш вазифаларини ўз ичига қамраб олади.

Ушбу тажриба-синов ишларининг якунида мактаблар фан хоналарини жиҳозлаш бўйича махсус қўлланма ва уларни жиҳозлашга қўйиладиган талабларнинг ишлаб чиқилиши кўзда тутилмоқда.

И.МАННОПОВА,
РТМ мутахассиси

— Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида юзага келиб турадиган мураккаб ёки чигал (баъзан шарқона этика юзасидан жуда нозик ҳолатлар) вазиятлардан чиқиб кетиш борасида ҳам газета саҳифаларидан ўқишни хоҳлаймиз.

"Ma'rifat" gazetasi kunlari

МАТБУОТНИНГ ТАРАҚҚИЁТДА ЎРНИ

Бугунги кун ўқитувчиларининг ҳаёт мактабини ёритаётган "Маърифат" газетаси кунлари доирасида Навоий вилоятида бўлиб ўтган "Матбуот — ҳаёт кўзгуси" мавзусида очиқ мулоқотлар учрашуви чин маънода ишчан ҳолатда кечди.

Дастлабки учрашув Навоий туманидаги Ф.Хўжаев номли 2-мактабда, куннинг иккинчи ярмида Навбаҳор туманидаги Фирдавсий номидаги 5-мактабда ўтказилди. Эртаси куни эса Навоий шаҳридаги Муқимий номли 8-мактабда ушбу йиғилишлар давом этди. Мулоқот олдидан мактаб ўқувчилари, бадиий тўгарак аъзолари ҳамда ёш ижодкорлар ўзларининг мустақиллик, она-юртга муҳаббат ва садоқат туйғулари ифода этилган шеърларидан намуналар ўқиб бериб, барча иштирокчиларни хушнуд этдилар.

Шундан сўнг "Маърифат" газетасининг бош муҳаррири ўринбосари И.Бўрибоев таҳририятнинг бугунги кунда олиб бораётган ишлари ҳамда келажак режалари хусусида тўхталиб, муштарийларни мақсадли мулоқотга чорлади.

Очиқ мулоқотда ўз фикрини билдирган Навоий туманидаги 6-мактаб директори М.Ансорова, 10-мактаб директори Д.Умарова, 3-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Маҳлиё Саидова, 1-мактабнинг директори Шавкат Элмуродов ва бошқалар газета орқали илғор ўқитувчиларнинг мумтоз адабиёт, психология ва вояга етмаганлар бўйича оила-мактаб, маҳалла ҳамкорлигидаги олиб бораётган тажриба ишларини оммалаштириш зарурлигини таъкидлаб, газета саҳифасида янги рукнлар пайдо бўлиши лозимлигини билдирдилар.

Шунингдек, сўзга чиққан Навоий педагогика коллежининг талабаси Моҳинисо Пўлатова газета саҳифаларида берилаётган "Bolalar dunyosi" саҳифаси ҳамда яна бир қатор ўқувчилар материалларнинг фойдали эканлигини ҳамда улар сонини кўпайтириш кераклигини айтди.

Навбаҳор туманидаги очиқ мулоқотда 16-мактаб директори Абдували Шодиев мактаб билан газета ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик туфайли мактабнинг 11-синф ўқувчиси Оқила Худойназарованинг "Ёмғир ёғса йиғлама" номли иншосининг газета саҳифасидан ўрин олиши туманнинг энг чеккасида жойлашган қишлоқ мактабида ёшларга астойдил таълим ва тарбия бераётган ўқитувчилар учун юксак мукофот эканлигини билдириб газетада дунё воқеаларига кенгроқ ўрин берилишини таклиф қилди.

Шунингдек, давра суҳбатида сўз олган туманнинг 1-мактаб директори С.Муродова, 9-мактаб директори Б.Ҳамроев, 5-мактаб директори Ҳ.Бобожоновлар ДТМ таҳлилларининг ўқув йили бошланиши билан берилиши ҳамда вилоят олимпиадаларининг ҳам ДТМ томонидан ўтказилишини ҳамда газетанинг телевидение билан ҳамкорликда фанлар бўйича 1 соатлик дарс ишланмаси ўқув кўрсатувлари ташкил этилса, ижобий натижаларга туртки бўлишини айтишди. Шу ўринда "Ота-оналар ва устозлар ҳамкорлиги" рукнида ўқитувчи ён дафтарчаси учун маслаҳатлар, мақолалар бериш ўқитувчи учун ҳаводек зарурлиги ҳақида тўхталдилар.

Навоий шаҳри Муқимий номидаги 8-мактабда ўтказилган мулоқот аввалгиларига қараганда кенг ва баҳсларга бой, жўшқин тарзда ўтганлиги билан ажралиб турди. Жумладан, тарих ўқитувчиси Фароғат Ҳамроева, Нурота туманидаги 27-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Дилфуза Қаландаровалар таълим ислоҳотлари жараёнига тўсиқ бўлаётган эскича қарашлар, иллатларни фош этишда, уларнинг таълим муассасалари ҳаётидан бартараф этилишида газетанинг ўрни борлигига алоҳида тўхталдилар.

Ўтказилган очиқ мулоқотлар якунида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Алиев "Маърифат" газетасининг мамлакатимизда таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳамда бу борада замонавий, ўзига хос тизим шаклланаётган бир паллада асосий ахборот манбаи сифатидаги ўрни беқиёслигини таъкидлади.

Шуни ҳис қилган ҳолда ушбу газетага обуна вилоят таълим-тарбия муассасаларида йўлга қўйилгани, айниқса, бу борада Навоий, Навбаҳор, Нурота, Қизилтепа, Кармана туманлари ва Навоий шаҳарларида ишлар яхши ташкил этилганлиги таҳсинга лойиқ деб топилди.

Учрашувлар сўнгида бир гуруҳ таълим жонкуярларига "Маърифат" газетасининг эсдалик совғалари тарқатилди.

Ў.ПЎЛАТ
Навоий вилояти

"MA'RIFAT"ДАН ТАЛАБ ҚИЛСАНГ АРЗИЙДИ

Жиззах вилояти таълим тизими ходимлари шундай фикрда

Республикамиз вилоятларида, туман ва шаҳарларида ўтаётган "Ma'rifat" газетаси кунлари Жиззахда давом этди. Таҳририят ижодий жамоаси ушбу вилоятда мактабгача таълим, умумтаълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, мактабдан ташқари таълим вакиллари билан алоҳида учрашувлар ташкил этиб, муштарийларнинг талаб ва истакларини ўрганиб қайтди.

Бўлиб ўтган тадбирлар, бевосита мулоқотларда аён бўлдики, "Ma'rifat" вилоят зиёлилари орасида севиб ўқилмоқда. Кўпчилик мактабгача таълим ходимларининг "боғчалар ҳаёти газетада етарлича ёритилмаётганлиги" хусусидаги эътирози, фан ўқитувчиларининг "ҳар бир фан бўйича тажрибали педагоглар иш тажрибалари, дарс ишланмаларига бўлган эҳтиёжларини газета орқали қондириш истагида" эканликлари, "мактаб ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш, уларнинг алоҳида истеъдод, қизиқиш ва интилишларини рўёбга чиқаришда ўқитувчига, отаонага педагогик-психологик ёрдам берадиган тавсиялар, амалий таклифлар "Ma'rifat"нинг мавзуларидан бири бўлиши" ҳақидаги талаблари юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди: "Ma'rifat" — ўқилаяпти.

Жойлардаги учрашувлар давомида газетамиз жамоасига юксак ишонч ва ҳурмат билдирган мухлисларимиз ўз талаблари, таклифларини баён қилар экан, биз эндиликда янада фаол, изланувчан, шунингдек, ихтисослашган яъни "журналист — педагог" сифатида ишлашга ўзимизда эҳтиёж сездик.

Жиззах шаҳридаги 8-"Ниҳол" болалар боғчасида мактабгача таълим ходимлари билан, 3-мактаб педагоглар жамоаси билан, ВПҚТМОИда вилоятнинг турли бурчакларидан келган муаллимлар даврасида газетага, унинг жамоасига қарата айтилган фикрлар билан барча мухлисларни бохабар этишни лозим топдик.

Зеро, "Ma'rifat" ана шу фикрлар асосида, муштарийлар эҳтиёжига ўзининг мазмун мундарижасини бойитиб бораверади.

***Дилором ОБИДОВА,** мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси директори:*

— Баъзан газетада қайсидир мактабгача таълим муассасасининг болаларни мактабга тайёрлаш борасида эришган улкан ютуқлари, амалий натижалари хусусида мақолалар ўқиб қоламиз. Истардикки, келгусида ана шундай муассасалар бу натижаларга қандай қилиб эришганликлари ҳақида ҳам батафсил маълумот берилса. Уларнинг фаолиятларидан ибрат олиб самарали ишлаш мумкин бўларди.

***Остонақул БЕКБОЕВ,** мактаб директори: — "Ўқитувчи ҳуқуқи" рукни ташкил этилса, унда берилган ҳар бир маълумот муаллимларимизнинг кундалик фаолиятида асқотадиган бўлса. Чунки ҳуқуқий жамият қуришда энг асосий куч — ўқитувчи ўзи ҳуқуқий билимлар соҳиби бўлиши керак.*

***Даврон САТТОРОВ**, ўқитувчи:*

— Баркамол авлодни вояга етказишда ота-онанинг бурчини, масъулиятини ифода этувчи журналистик материаллар кўпроқ берилса. "Ma'rifat" мактабдан оилага ҳам кириб борса.

***Эргаш ЖАББОРОВ,** Жиззах ШХТБ мудири: — Кейинги йилларда газета таълим тизимининг информацион-услубий қўлланмасига айланиб бормоқда.*

Яна бир жиҳат, давомли мақолалар хусусида, "Ma'rifat"да "Бир бахтсиз муҳаббат" номли ҳикоя эълон қилинди. Касалхонада ётиб унинг биринчи қисмини ўқидим. Буюк аждодимиз Амир Темурнинг тақдири, унинг салтанати наҳот шундай инқирозга юз тутган, ҳикоянинг давоми нима бўлишига қизиқиб, газетанинг навбатдаги сонини илтимос қилиб касалхонага топшириб келдим. Мана шундай кучли тарбиявий аҳамият касб этувчи материаллар мунтазам бериб борилса, улардан дарсларда ҳам фойдаланиларди.

Қуйида Навоий ва Жиззах вилоятларида "Ma'rifat"чиларга ёзма шаклда муаллифи ва манзили ошкор этилмаган ҳолатда тушган саволлар, танқидий фикрлар ва таклифларнинг айримлари билан танишинг:

— Кейинги пайтда матбуотда, жумладан, "Ma'rifat"да сўзларни бўғинга ажратишда кўплаб хатоларга йўл қўйилаётганини кузатаяпмиз. Бу техник (яъни таҳририятларда ишлатиладиган компьютерлар ва бошқа воситаларга боғлиқ) хатоликми ёки журналистларнинг саводхонлик даражасими?

— Математика дарсликлари савияси, математика дарсларида фойдаланиш мумкин бўлган материалларни ҳам газета орқали бериб бориш имкониятига эгамисизлар? Агар иложи бўлса, газета саҳифалари мавзуларга эмас, фан йўналишларига бағишланса.

— Газетада "Ma'rifat"га очиқ хат" рукни очилса ва биз унда ўз сўзимизни айта олсак.

— Таҳририят мутахассисларни жалб этган ҳолда психологик маслаҳатлар, ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш юзасидан таклифлар чоп этиш имкониятига эгами?

— Ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида юзага келиб турадиган мураккаб ёки чигал (баъзан шарқона этика юзасидан жуда нозик ҳолатлар) вазиятлардан чиқиб кетиш борасида ҳам газета саҳифаларидан ўқишни хоҳлаймиз.

— Маълум мавзуларда мақолалардан кўра, кўпроқ баҳс ёки танловлар, ҳатто конкурслар олиб борилишини ва рағбатлантириш масаласига жиддий эътибор берилишини истайман.

— Инглиз, француз, немис тилларида қисқа матнлар бериб борилса, чет тили ўқитувчиларига ёрдам берардингиз.

— Ўтган йили газетага мақола юборгандим, чиқмади...

Шу тариқа фикрларни умумлаштириб, мақоламизни Жиззах вилояти ХТБ бошлиғи Саидаҳмад Мирзабековнинг: — "Ma'rifat"дан талаб қилсанг, арзийди. Бу нашр ўзининг етмиш йиллик тарихи давомида таълим ходимларининг маслакдоши бўлиб келган. Ва, улар эҳтиёжини ҳамиша қондириб келган, — деган сўзлари билан якунлашни маъқул топдик.

Ф.КАРИМОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

Mehmonxona

Инсон иккита кучга бўйсунар экан: бири раҳмон, бири шайтон. Бири яхшиликка бошлайди, бири ёмонликка. Афсуслар бўлсинки, кўп ҳолларда олий ақл соҳиби шайтон деб аталган кўзга кўринмас махлуқотнинг ҳийла-найранглари гирдобида қолади.

Суҳбатнинг бисмиллосини нима учун шайтонга боғлаганимнинг боиси бор. Минглаб китобхонларнинг кўнгил мулки бўлиб қолган "Шайтанат" асари муаллифи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, севимли адибимиз Тоҳир Маликни бугун сиз билан газета орқали дийдорлаштирмоқ ниятидамиз.

Тоҳир МАЛИК:

"КИТОБ БИЛАН ҲАМОН ДЎСТМАН"

— Тоҳир ака, сиз минглаб мухлислари бор ёзувчисиз. Бу касбдаги кишиларнинг пешонасига ижод машаққати кўринмас ҳарфлар билан ёзиб қўйилади. Сизнинг ёзувчилик истеъдодингиз юзага чиқишига аслида кимлар ва нималар сабабчи бўлишган?

— Ёзувчиликка ихлоснинг туғилиши авлодимиз билан боғлиқ. Тоғам Мирзакалон Исмоилийнинг асарлари — "Фарғона тонг отгунча", "Бизнинг роман"ини 12-13-14 ёшларимда бош кўтармасдан ўқиб чиққанман. Шунингдек, у киши таржима қилган "Сўна" романи ҳам мени оҳанабодек ўзига тортиб олган эди. Китоб билан ҳамон дўстман.

Қоларверса, ана шу ихлоснинг таъсири ўлароқ, мактаб йилларимда раҳматлик устозим Қуддус Муҳаммадий раҳбарлик қилган адабиёт тўгарагининг фаол аъзоси эдим. Қатағон йилларининг захматини чеккан муаллимларим, раҳматли Мурод Шарофиддинов, Саъдулла Исматовлардан бир умр розиман. Улар менга ёзувчиликни қай тарзда эгаллаш хусусида қимматли маслаҳатларини беришар эди.

Оиламизда эса менинг биринчи устозим ҳам, танқидчим ҳам, ўқувчим ҳам Ботир акам эди. Мен нимаики ёзмайин, даставвал у кишига ўқитардим, ҳамон шундай. "Чорраҳада қолган одамлар" номли қиссага баҳо бера туриб, тоғам менга Лев Толстойнинг "Анна Каренина"сини ўқиб чиқишимни айтдилар. Мен бу романни гарчанд аввал ҳам мутолаа қилиб чиққан бўлсам-да, иккинчи марта ўқиб чиққанимда ундаги тил ва тасвирнинг бадиий жиҳатдан шу қадар пухта эканлигига ишонч ҳосил қилдим. "Чорраҳада қолган одамлар"нинг иккинчи вариантини тоғамнинг танқидиларидан сўнг деярли бошқатдан ёзиб чиқдим.

— Ёзувчи — ақлий меҳнат кишиси, таъбир жоиз бўлса, унинг миясида ишга солинмаган ҳужайра қолмаса ҳам керак. Барча соҳада бўлгани сингари, ёзувчиларни ҳам тоифага ажратиш мумкин. Масалан, француз ёзувчиси Оноре де Бальзак асарларини ўқиганда, ҳар қандай китобхон қаттиқ таъсирланади. Айтишларича, Бальзак кундуз куни деразага парда тутиб, ҳозир тун, деган тасаввур билан ижод столига ўтираркан. Сизнинг ижод онларингиз қандай белгиланган ва асарларингиз устида қандай ишлайсиз?

— Бу бор гап, ёзувчилик аслида, ҳузур-халоватдан воз кечиш дегани ҳамдир. Абдулла Қаҳҳор шундай дейди: "Адабиёт ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди".

Ёзувчи, шоирликка жуда кўп кишилар болаликдан қизиқишади. Лекин уларнинг аксарияти талабалик даврига келиб камаяди, яъни сараланади. Вақтнинг оқилона ҳукми бу. Дейлик, 100 нафар ёзувчи-шоирликка даъвогарлар орасидан уч ёки тўрт киши қолади.

Асарларимнинг дунё юзини кўриши уйқудан воз кечиш, улфатчиликдан қочиш эвазига бўлади. Кўпинча тонгги соат 3-4 лардан нонуштага қадар ишлайман. Битта асар яратиш жараёнида иккинчиси ҳам хаёлимда пишиб етилади. Қўлёзмадан сўнг машинкада кўчираман. Ёзишга нисбатан оққа кўчириш қийнайди, чунки кўп ҳолларда матндан айрим қисмларни олиб ташлаш ёки сўзларни бошқаси билан алмаштириш зарурати туғилади. Шундан сўнг асар учинчи бор қўлимдан ўтади. Тўртинчи марта эса нашриётга топшириб, корректура ҳолидагисини ўқиб бераман. Бунда ҳам айрим тузатиш ва ўзгартишлар киритилади.

Ёзувчи битта асарни қоғозга туширгунча 100-200 хил вариантни миясидан ўтказади. "Ҳикмат афандининг ўлими" фантастик қиссам шу тариқа дунёга келган. Мени илмий ишга ҳам таклиф қилишди, аммо вақтимни илмий даража олишга сарфлашдан кўра битта бадиий асар ёзишга бағишлаш афзалроқ туюлди.

— Китобхонлар орасида катта шов-шувга сабаб бўлган сизнинг "Шайтанат" асарингиз қай тариқа вужудга келди? Ундаги воқеалар, қаҳрамонлар ҳаётдан олинганлигини тасдиқлаган ҳолда, уларни типиклаштириш ва бадиий образ даражасига кўтариш учун узоқ йиллар заҳмат чеккан бўлсангиз керак?

— "Шайтанат" тўртта китобдан иборат яхлит қиссадир. Адабий жамоатчилик ўртасида, нима учун ҳажман роман деб айтиш мумкин бўлган асарни қисса деб қўйгансиз, каби эътирозлар ҳам бўлди. Лекин гап асарнинг жанрида эмас, ғоясида.

"Шайтанат" асарини 1984 йилда бошлаганман. Воқеа тафсилотларини эшитганимдан сўнг, у учта китобдан иборат қисса бўлар экан, дея режалаштирганим ҳам эсимда. Хаёл ва ҳаётнинг олишуви бошланди. Айнан воқеанинг ўзини қандай бўлса шундайлигича қоғозга тўкиш, бу бадиий асар битди дегани эмас. Образлар устида ишлаш, уларни типиклаштириш, воқеалар ривожи, қаҳрамонларнинг бир-бири билан муносабатда бўлиши ёзувчидан жуда катта маҳорат ва куч талаб қилар эди. Шукрки, камина бунинг уддасидан чиқдим.

Мақсад нима, деган саволнинг жавоби ҳали ёзилмасдан аввалоқ маълум эди: "Шайтоннинг қора оламни бошқаришига йўл берманг! Шайтон отлиғ маҳлуқлардан огоҳ бўлинг, нари юринг!".

"Шайтанат" устида 17 йил ишладим, унда салкам 200 та образ бор, шулардан 50 таси асосий образлардир. Детектив руҳдаги бу асар минглаб китобхонларнинг қалб мулкига айланиши замирида бир адибнинг узоқ йиллик машаққатлари, қийноқлари бор. Асарнинг қўлдан қўлга, тилдан тилга кўчиши ёзувчи меҳнати маҳсулининг китобхонлар, кенг адабий жамоатчилик томонидан тан олиниши бўлса керак, деб ўйлайман.

Асар ҳозирча фақат рус тилига таржима қилиниб, "На посту" газетасида чоп қилинди.

— "Шайтанат" экран юзини ҳам кўрди. Уни томошабинлар беҳад қизиқиш билан қабул қилишди. Сценарий сценарий, китоб китоб. Шу маънода "Шайтанат" фильмидан кўнглингиз тўлмаган жиҳатлар бўлдими?

— Кино билан бадиий асарнинг имкониятлари бир-бирига мос эмас. Китоб тўлиқ, миридан сиригача кўрсатиладиган полотно. Экраннинг талаби бошқачароқ, у тасвир орқали кўрсатади, томошабин кўз ўнгида жонли манзаралар туради.

"Шайтанат"нинг иккита китоби экранда 12 та серия билан якун топди. Кино санъатининг талабларига мувофиқ, асардаги воқеалар, қаҳрамонларнинг руҳий ва зиддиятга тўла кечинмалари кадрларга муҳрланди. Фильмни яратган режиссёр ва актёрлар маҳоратига қойил қолдим. Дастлаб, менда асарнинг кино кўриниши қандай бўлар экан, деган таҳлика ҳам йўқ эмасди. Фильмни суратга олиш жараёнида ўзим ҳам тўлиқ иштирок этдим. Айрим жойларни олиб ташлаш ёки нимадир қўшиш зарурати туғилганда, мендан муаллиф сифатида розилигимни сўрашарди.

Фильм Тошкент шаҳри ва вилоятида, Бухорода суратга олинди. Сарф-харажатларни қисқартириш мақсадида, Чорвоқсой Сочи сифатида танланди. Ёдгор Саъдиев, Эркин Комилов, Гулчеҳра Жамилова, Жамшид Зокиров, Фурқат Файзиевлар, айниқса, етук образлар яратишди. Шуниси диққатга сазоворки, фильмдаги эпизодларга актёр бўлмаган кишилар ҳам жалб қилинди ва улар ҳам томошабинга кино сюжетини ҳавола этишда актёр маҳоратига эга эканликларини исботлашди.

"Шайтанат"нинг давомини томошабинлар бесабрлик билан кутаётган бўлсалар керак. Назаримда, унинг учинчи ва тўртинчи китоблари фильмни янада бойитади. Ҳозир ана шу сериялар суратга олиняпти.

— Инсонга берилган умр лаҳзалик, дейдилар. Ровийлар кишининг дунёга келиши, яшашини шундай таърифлашган: "Бозорга бордиму, кафанлик олдим ва мозорга қайтдим". Инсонга берилган умрнинг жуда қисқа эканлигини у ёши улғайган сари яна ҳам теранроқ ҳис қилавераркан, деган фикрга қўшиласизми?

— Саволингизни жуда жиддий қабул қилдим. Оллоҳ кимгадир зеҳн берибдими, уни намоён этмаслик, айниқса, вақтни бой бериш кечириб бўлмас хатодир.

Қадимда яшаб ўтган алломa Имом Ғаззолий айтган эканлар: "Мен билганимга нисбатан эгаллаб олмаган билимларим оёқларим остига тахланса эди, бошим аршга етарди". Бу — билим ва тафаккури юксак даражадаги кишининг гапи. Вақтнинг қадрига етиш учун қариш шарт эмас, зеро вақт ёш-қари учун бирдек қадрли бўлиши керак. Айрим ижодкорларни кузатаман, тушлик маҳали отиб олишади-да, гап сотиб ўтиришади. Кунда, кунаро такрорланадиган бу ҳолатнинг йиғиндиси қанчадан-қанча вақтни ҳосил қилишини ўйлаб, эсиз дейман.

— Бугунги Ўзбекистон ислоҳотларни бошидан кечирмоқда: таълим, иқтисод, мафкура, маданият. Қайси соҳага назар ташламанг, юрт-истиқболи учун қилинаётган ишлар... Сиз ёзувчи сифатида Ўзбекистоннинг келажагини қандай тасаввур қиласиз?

— Ўзбекистоннинг келажаги буюклигига ҳеч ким шак келтиролмайди. Бунга давлатнинг қурби ҳар томонлама етади. Айрим давлатларнинг мустақилликни қўлга киритганига 50-60 йил бўлди. Ўзбекистон эса бор-йўғи 10 йилнинг ичида улардан ўзиб кетди. Ер ости ва устки бойликлари мўл, тарихан илдизи бақувват давлат албатта келажакда ҳам ўз ўрнига эга бўлади.

Ёшлар билан учрашув чоғларида турли саволларга дуч келаман. Қайсидир институтда талаба қиз: "Сиз ҳозирги замонни яхши дейсиз, лекин айрим кишилар ўтган даврни мақташади. Қайси гапга ишонишимиз керак?" деб савол берди. Иттифоқ давридаги Ўзбекистонни оғзидан бол томиб мақтаган кишилар нархнаводан қийинчилик ахтараётганлардир. Иқтисодий етишмовчилик ўткинчи нарса, аслида одамзот ношукр. Бир танишим бор, беш фарзандининг ҳар қайсисига данғиллама участка қуриб берди, машинанинг энг сўнгги русумдагисини шу кишининг болалари минади. Ишонинг, ишонманг, ўша биродаримиз ҳам етишмовчиликдан нолиди.

Қудсий-ҳадисда битилган: "Эй одам фарзанди, менинг неъматларимни еб жағинг оғриб кетадию, ношукрлик қилиб жағинг оғримайди". Мисол учун айтайин, Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг аксариятида "Нексия", "Тико", "Дамас" енгил автомашиналари қатор туради. Бу рўзғор ва оила харажатларидан орттириб олинган даромад эканлигини ҳаммамиз ҳам биламиз.

Меҳнатсиз яшаш қийин бўлиб кетди, меҳнат қилган кишининг эса ошиғи олчи, сендан ҳаракат, мендан баракат, деб қўйибдилар.

— Ҳар бир кишининг юрагида ўз Ватани ҳақидаги яхлит бир манзара мавжуд. Худди шундай манзаранинг бир қатламида мактаб деган макон туради. Сизнинг мактаб дамларингиздан қолган қандай ширин хотиралар бор?

— Ўтмиш эса ҳамиша тотли, деган экан бир шоир. Мактаблар бугун бутунлай бошқача. Эски шаҳардаги 132-мактабда физика дарсининг электр токи мавзусини шам ёқиб ўрганганимиз эсимда. Аммо ўша дамлар бошқа қайтиб келмагани учун ҳам жуда тотли...

Кейинчалик Кўкча маҳаллясидаги 40-мактабда ўқидим. Асосан, эркаклар ишлайдиган бу даргоҳ менга илоҳий бир жой бўлиб туюларди. Муаллимларга эътиқодимиз чексиз эди. Бугунги мактаб ўқувчиларига шароит ва фаровонлик бобида фақат ҳавас қиламан.

Ҳар йили 30-40 та мактаб, лицей, коллежларга бораман, учрашувларда минглаб мухлисларнинг турли саволларига жавоб бераман.

Мактабларда илм-фан, табобат, адабиёт, санъат соҳасида эл назарига тушган академик, шифокор, ёзувчи, артистлар билан учрашувлар уюштириш, ўша даргоҳнинг юзи-кўзи. Бу фақат ижобий маънодаги тадбир. Лекин айрим мактаб раҳбарларининг хаёлидан бу нарса жой олмаётганига афсусланаман.

— Адабиёт — сўз санъати. Бу санъат билан дўст тутинганлар кам бўлган эмас. Адабиёт муаллимлари яъни сизнинг минг-минглаб мухлисларингизга бу санъатга ёшларни яқинлаштиришлари учун қандай маслаҳат берардингиз?

— Муаллимлар деб таълим муассасасида ишлаётган ҳар бир кишини айтамиз. Лекин маърифатпарвар деган чиройли ибора маълум доирагагина хосдир.

Маърифатпарвар инсон Абдулла Авлоний ўзи ташкил қилган театр студияси тушумларига мактаб қурган, дарсликлар харид қилган, халқнинг боласига савод улашган. Ўз фарзандларини эса печка тиклаш ва созлаш эвазига тушган даромад билан боққан. Абдулла Қодирийни олинг, у кишининг қўлидан кетмон-белкурак тушмаган, боғбонликнинг орқасидан рўзғор тебратган.

Тўғри таъкидладингиз, адабиёт — сўз санъати сифатида жуда катта қудратга эга. Китобхонликнинг ҳозирда сусайганлиги рост. Бу салбий ҳолатни ҳам фақат адабиёт фани билан шуғулланувчи муаллимларгина бартараф этади деб ўйлайман.

"Ким кўп китоб ўқиган", "Менинг севимли қаҳрамоним" мавзуларида танловлар уюштирилса, бирорта ўқувчи ҳам ўзини четга олмаса керак. Илгариги авлод, яъни бундан 10-15 йил авваллар китобхонлар анжумани бўлиб турарди, ҳозир ана шу анъаналар йўқолиб кетди.

— Тоҳир ака, биз сиз билан ойларнинг улуғида учрашиб турибмиз. Рамазон ойида ўз мухлисларингизга қандай тилакларни билдириб қоласиз?

— Фикримнинг мантиқий давоми сифатида ҳар бир кишининг эзгулик билан ошно бўлиб қолишига тилак билдираман. Ҳасаддан йироқ юриш, яхши аъмоллар билан умр деб аталган қисқа фурсатлик неъматни безамоқ даркор. Шайтон амридан чекинган кишилар, ўйлайманки, умр мезонини том маъноси билан англайдилар. Мен барча мухлисларга ана шу соҳир туйғу ҳамроҳ бўлишини истардим.

— Сизга раҳмат айтиш билан бирга "Маърифат" муштарийлари номидан миннатдорчилик ҳам билдириб қоламан.

Суҳбатдош
Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Халқ таълими ходимлари, ота-оналар ва ўқувчилар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан таълим ўзбек тилида олиб бориладиган умумий ўрта таълим мактаблари учун 2002-2003 ўқув йилида қўллашга тавсия этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Т/р	Дарслик ва ўқув қўлланмалар номи.	Муаллифи.	Фойдаланишга тавсия этилган йили
	1-синф (лотин)		
1	Алифбе	О. Шарафутдинов ва бошқалар.	2001,2002
2	Она тили	Қ.Абдуллаева ва б.	2001,2002
3	Ёзув дафтари 1	Қ.Абдуллаева ва б.	2001,2002
4	Ёзув дафтари 2	Қ.Абдуллаева ва б.	2001,2002
5	Алифбе	Т.Ғаффорова ва б.	2001,2002
6	Ёзув дафтари 1	Т.Ғаффорова ва б.	2001,2002
7	Ёзув дафтари 2	Т.Ғаффорова ва б.	2001,2002
8	Она тили	Т.Ғаффорова ва б.	2001,2002
9	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2001,2002
10	Математика д-1	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001,2002
11	Математика д-2	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001,2002
12	Атроф.олам	А.Григорьянц ва б.	2000,2002
13	Ҳуснихат	М.Ғуломов.	2001
14	Мусиқа	Ҳ.Нурматов ва б.	1998,1999,2000, 2002
15	Тасвирий санъат	Р.Хасанов.	2001,2002
16	Алифбо қўшиқлари	Д.Омонуллаева ва б.	2000
17	Одобнома	О.Ҳасанбоева ва б.	2002
18	Конституция алифбоси	О.Каримова ва б.	2001,2002
19	Математика (синов)	М.Аҳмедов	2002
	2 -синф (лотин)		
1	Ўқиш китоби	Қ.Абдуллаева ва б.	2001,2002
2	Она тили	Қ.Қосимова ва б.	2000,2001,2002
3	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001,2002
4	Математика д-1	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001
5	Математика д-2	Н.Бикбаева ва б.	2000,2001
6	Атроф.олам	А.Григорьянц ва б.	2000,2001,2002
7	Рус тили	Р.Толипова ва б.	2000,2001,2002
8	Кузатиш кундалиги	А.Григорьянц ва б.	2000,2001
9	Ҳуснихат	М.Ғуломов	2001,2002
10	Конституция алифбоси	О.Каримова ва б.	2001,2002
11	Мусиқа	Ҳ.Нурматов	2001,2002
12	Одобнома	О.Хасанбоева ва б.	2001,2002
	3-синф (лотин)		
1	Ўқиш китоби	М.Умарова	2001,2002
2	Она тили	С.Фузаилова ва б.	2000,2001,2002
3	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2001,2002
4	Табиатшунослик	А.Григорьянц	2000,2001,2002
6	Рус тили (Букварь,синов)	Р.Толипова ва б.	2000,2002
6	Конституция алифбоси	О.Каримова ва б.	2001,2002
7	Одобнома.	О.Ҳасанбоева ва б.	2001,2002
8	Мусиқа (синов)	Ҳ.Нурматов	2001,2002
	4-синф (лотин)		
1	Ўқиш китоби	А.Шожалилов ва б.	2001,2002
2	Она тили	Р.Икромова ва б.	2001,2002
3	Табиатшунослик	А.Григорьянц ва б.	2000,2001,2002
5	Математика	Н.Бикбаева ва б.	2001,2002
6	Рус тили(синов)	Р.Толипова ва б.	2001,2002
7	Одобнома	О.Ҳасанбоева	2001,2002
8	Конституция алифбоси	О.Каримова ва б.	2001,2002
	5-синф (лотин)		
1	Ўзбек адабиёти	Н.Каримов ва б	1999,2000, 2001,2002
2	Она тили	Ҳ.Неъматов	2000,2001,2002
4	Математика	Ж.Икромов ва б.	1998,1999, 2000,2001,2002
5	Математикадан мас.тўплами	А.Рахимқориев ва б.	1998,1999, 2000,2001,2002
6	Табиий географ-рафия (бошлан-ғич курси)	П.Мусаев ва б.	2000,2002
7	Инглиз тили	Л.Жўраев ва б.	2000,2001,2002
8	Олмон тили	З.Шайхутдинова ва б.	2000,2001, 2002
9	Олмон тили даф.	З.Шайхутдинова ва б.	2000,2001, 2002
10	Француз тили	Танлов	Янги нашр
11	Рус тили	Р.Толипова ва б.	1999,2000, 2001,2002
12	Жаҳон тарихидан ҳикоялар	У.Жўраев ва б.	2000,2001, 2002
13	Мусиқа (синов)	А.Мансуров ва б	2001,2002
14	Ватан тарихидан ҳикоялар	Б.Аҳмедов	2000,2002
15	Ватан туйғуси	Танлов	Янги нашр
16	Ботаника (5-6 с.)	У.Пратов .	2000,2001,2002
17	Конституция оламига саёхат	О.Каримова ва б.	Янги нашр
	6-синф (лотин)		
1	Она тили	Ҳ.Неъматов ва б.	2000,2001,2002
2	Адабиёт	Қ.Йўлдошев ва б.	1999,2000, 2001,2002
3	Рус тили	Р.Толипова ва б.	1999,2000, 2001,2002
4	Математика	Ж.Икромов ва б.	1999,2000, 2001,2002
5	Физика	Д.Шодиев ва б.	2000,2001,2002
6	Физикадан мас.тўпл.	А.Юсупов ва б.	2001
7	Зоология 6-7 с .	О.Мавлонов ва б.	2000,2001,2002
8	Материклар ва океанлар географияси	А.Абулқосимов ва б.	1999,2001, 2002
9	Инглиз тили	Л.Жўраев ва б.	2001,2002
10	Олмон тили	Н.Суханова ва б.	Янги нашр
11	Олмон тили дафтари	Н.Суханова ва б.	Янги нашр
12	Француз тили	Н.Нешева ва б.	Янги нашр
13	Жаҳон тарихи	А.Кабиров	2000,2001,2002
14	Ўзбекистон тарихи	А.Сагдуллаев ва б.	2000,2001, 2002
15	Ватан туйғуси	Танлов	Янги нашр
16	Конституция оламига саёҳат	О.Каримова ва б.	Янги нашр
17	Мусиқа	К.Мамиров ва б.	2001,2002
18	Ботаника	У.Пратов ва б.	2000,2001,2002
	7-синф (лотин)		
1	Ўзбек адабиёти	Қ.Йўлдошев ва б.	2000,2001,2002
2	Она тили	Ҳ.Неъматов ва б.	2000,2001,2002
3	Рус тили	С.Исломбекова ва б.	2000,2001,2002
4	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	2000,2001,2002
5	Геометрия	Н.Ғайбуллаев ва б.	2000,2001,2002
6	Физика	Н.Шахмаев, Д.Шодиев ва б.	2001,2002
7	Зоология 6-7	О.Мавлонов ва б.	2000,2001,2002
8	Ўрта Осиё табиий геог-рафияси	П.Ғуломов ва б.	2000,2001, 2002
9	Ўзбекистон географияси атласи	Муаллифлар гуруҳи	1999
10	Мусиқа	О.Ибрагимов	Янги нашр
11	Инглиз тили	Танлов	Янги нашр
12	Олмон тили	Танлов	Янги нашр
13	Француз тили	Танлов	Янги нашр
14	Ўзбекистон табиий географияси	О.Мўминов ва б.	2000,2001, 2002
15	Ўзбекистон тарихи	А.Муҳаммаджонов ва б	2000,2001, 2002
16	Жаҳон тарихи	Т.Салимов ва б.	2000,2001,2002
17	Конституция оламига саёҳат	О.Каримова ва б.	Янги нашр
18	Миллий истиқ-лол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова	2001,2002
19	Анорганик кимё	С.Тешабаев ва б.	2000,2001
20	Тасвирий санъат	А.Сулаймонов	Янги нашр
	8-синф		
1	Она тили	Ҳ.Неъматов	2001,2002
2	Ўзбек адабиёти	А.Каттабеков ва б	2001,2002
3.	Рус тили	С.Исломбекова ва б.	2001, 2002
4	Инглиз тили	Танлов	Янги нашр
5	Олмон тили	Танлов	Янги нашр
6	Француз тили	Н.Нешева ва б	1999
7	Ўзбекистон тарихи	Н.Норқулов ва б	2001,2002
8	Жаҳон тарихи	Р.Фармонов	2001,2002
9	Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқ асослари	О.Каримова ва б	2001,2002
10	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б	2001,2002
11	Иқтисодий билим асосларидан амалий маш-ғулотлар (8-9)	Э.Сариқов ва б.	2001
12	Иқтисодий билим асосларидан тестлар тўплами (8-9)	Э.Сариқов	2001
13	Алгебра	Ш.Алимов ва б	2001,2002
14	Геометрия	Н.Ғайбуллаев ва б	2001,2002
15	Информатика ва ҳисоблаш техни-каси асослари	А.Абдуқодиров ва б	2001,2002
16	Одам ва унинг саломатлиги	Б.Аминов ва б.	2001,2002
17	Физика	Д.Шодиев ва б	2001,2002
18	Кимё	А.Мамажонов ва б	2001,2002
19	Миллий истиқлол ғояси ва маъна-вият асослари	О.Мусурмонова	2001,2002
20	Ўзбекистон иқтисодий географияси	З.Акромов ва б	2001,2002
21	Чизмачилик	Танлов	Янги нашр
	9-синф		
1	Она тили (8-9с.)	Танлов	Янги нашр
2	Ўзбек адабиёти	Танлов	Янги нашр
3.	Рус тили	Танлов	Янги нашр
4	Инглиз тили	Танлов	Янги нашр
5	Немис тили	Танлов	Янги нашр
6	Ўзбекистон тарихи	Танлов	Янги нашр
7	Жаҳон тарихи	Танлов	Янги нашр
8	Иқтисодий билим асослари	Танлов	Янги нашр
9	Алгебра	Танлов	Янги нашр
10	Геометрия	Танлов	Янги нашр
11	Биология (Цитология)	Танлов	Янги нашр
12	Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари бўйича машқлар	Танлов	Янги нашр
13	Физика	Танлов	Янги нашр
14	Анорганик кимё	Танлов	Янги нашр
15	Жаҳон ижтимоий ва иқти-содий географияси	Танлов	Янги нашр
16	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари	О.Мусурмонова	2001,2002
17	Чизмачилик	Танлов	Янги нашр
18	Дунё динлари тарихи	Муаллиф-лар гуруҳи	Янги нашр
19	Конституциявий ҳуқуқ	М.Тансиқбоева	2001
	10-синф		
11	Она тили (10-11)	Г.Абдураҳмонов ва бошқалар	1997
2	Ўзбек адабиё-тидан (мажмуа)	Б.Қосимов ва б	1998,1999, 2002
3	Ўзбек адабиёти	Б.Қосимов ва б	1999,2000,2002
4	Рус тили	Р.Толипова ва б	2000,2001,2002
5	Кимё	Т.Рудзитис ва б	1995,1998,2002
6	Физика	М.Шахмаев ва б	1996,1998,2002
7	Физика	Буховцев ва б	1998
8	Физикадан масалалар тўплами (9-10)	А.Римкевич	Барча нашр йиллари
9	Алгебра ва бошланғич анализ асослари (10-11)	Ш.Алимов ва б	1996,1998, 2001,2002
10	Геометрия (7-11) с	А.Погорелов ва б	1994
11	Умумий биология (10-11с)	Ё.Тўрақулов ва б	1999
12	Инглиз тили	Ж.Жалолов	1998,1999, 2000,2001,2002
13	Ўзбекистон тарихи	Д.Алимова ва б	2000,2001, 2002
14	Жаҳон тарихи	Т.Ҳидоятов	2000,2001,2002
15	Иктисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б	1997
16	"Иқтисод ва бизнес" амалий машғулот	Э.Сариқов А.Рафиқов ва б	1997
17	Амалий география		2000,2001, 2002
18	Информатика ва ҳисоблаш техни-каси асослари (қўлланма)	А.Абдуқодиров	1997,2001
19	Чақириққача ёшларни тайёрлаш	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги	1996
20	Ҳуқуқшунослик (Ихтисослашган мактаблар учун)	В.Костецкий ва б.	2002
	11-синф		
1.	Ўзбек адабиёти мажмуаси	У.Норматов ва б.	1997, 2002
2.	Ўзбек адабиёти	У.Норматов ва б.	1997, 2002
3.	Рус тили	Р.Толипова ва б.	1996, 2000,2002
4.	Алгебра	Ш.Алимов ва б.	1998, 2001,2002
5	Физика	Н.Шахмаев ва б	1997,1998, 1999,2002
6	Физика 11-с	Г.Мякишев ва б.	1997
7	Астрономия	Б.Воронцов-Вельяминов ва б.	1994
8	Инглиз тили	Ж.Жалолов	2000,2002
9	Ўзбекистон тарихи	Н.Жўраев ва б	2000,2002
10	Жаҳон тарихи	Г.Ҳидоятов	2000,2002
11	Инсон ва жамият (қўшимча ўқув қўлланмалар)	Симона Роберто, А.Ҳукумов ва б	1998,1999
12	Информатика ва ҳисоблаш техни-каси асослари	А.Далиев ва б.	1999
13	Иқтисодий билим асослари	Э.Сариқов ва б	1997
14	"Иқтисод ва бизнес" амалий машғулот	Э.Сариқов	1997
15	Умумий биология (10-11)	Ё.Тўрақулов ва б	1999
16	Кимё	А.Муфтахов	2000,2002

Baxtimiz qomusi

КОНСТИТУЦИЯНИНГ 9 ЙИЛЛИГИГА ТУҲФАМИЗ

Агар кўзингиз тушган бўлса, барча шаҳар ва туман китоб савдоси дўконларида гўзал безаклари ва сифатли қоғози билан киши диққатини ўзига жалб этувчи 1-4-синфлар учун чиқарилган "Конституция алифбоси" китоблари, шунингдек, худди шу номда, лекин фақат ўқитувчиларга мўлжалланган ихчамгина услубий қўлланма сотилмоқда. Буларнинг барчаси муаллифлар — Омина Каримова (ТДПУнинг ЮНЕСКО қошидаги фуқаролик таълими ва қадриятлари кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, профессор), Омина Омонова (Андижон қишлоқ хўжалик институти қошидаги Куйганёр академик лицейи ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси), мазкур мақола муаллифи ҳамда бу китобларни нашр этишга меҳнати сингган бир қанча инсонларнинг ҳамкорликда амалга оширган илмий, илмий-методик ва ижодий изланишлари натижасидир.

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу китобларнинг ёзилишида Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи ҳамда шу йил 4 январда махсус чиқарилган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши туртки бўлди.

"Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор" деган эди Президент ўша нутқида жумладан ("Халқ сўзи", 2000 йил 8 декабрь). "Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуқ эканини теран англаб етсин.

Токи Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу

заминда истиқомат қилаётган миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя эканини ҳис этиб яшасин".

Фармойишда эса "Барча таълим турлари учун болалар ва ўқувчиларни ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий онг ва маданиятини шакллантиришга қаратилган Конституцияни ўрганиш бўйича дарсликлар ва махсус адабиётларни 2001 йил 1 августга қадар яратсинлар, чоп этсинлар ва жойларга етказишни ташкил этсинлар" деб кўрсатилган эди.

Шукроналар бўлсинким, 1-4-синф ўқувчилари ва ўқитувчиларига мўлжалланган "Конституция алифбоси" китобимиз ана шу улкан талабга маълум маънода жавобдир.

Ўқувчиларга мўлжалланган бу китобларимизнинг ички тузилиши тахминан қуйидагича: 1-синф ўқувчилари ўз "Конституция алифбоси"-дан Конституциянинг 5 та(1,4,5,49 ва 89) моддаси матнини эслаб қолиш даражасида ўрганадилар. БМТнинг "Бола ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенцияси"дан олинган 7- ва 31-моддалар матнини эслаб қоладилар. Мавзуларга доир 26 саволга жавоб берадилар ва 14 та топшириқни бажарадилар, 21 та қоидани тушуниб оладилар, 26 та рангли расмдан баҳраманд бўладилар.

Бу маълумотлар билан кейинги синф китоблари ҳам таъминланган. Ўқувчилар 4 йил мобайнида Конституциямизнинг жами 25 та ва Конвенциянинг 8 та моддаси матнини ўрганиб оладилар, эслаб қоладилар, 98 та савол ва 100 га яқин махсус топшириқларни ечадилар, турли қоидаларни ўнлаб рангли расмлар орқали эслаб қоладилар.

"Конституция алифбоси"да таълим олувчиларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга қаратилган мавзулар танлаб олинган бўлиб, улар болалар тилида ва тушунарли қилиб ёритилган, ёдда сақлаб қолиш янгиликлари билан суғорилган, мавзулар оддийдан мураккабга асосида ёритилган. Мухтор Худойқуловнинг "Она тилим", Уйғуннинг "Кун тартиби"(1-синф), Қуддус Муҳаммадийнинг "Билим ол, хунар танла", Сафо Очилнинг "Ота-она дуоси"(2-синф), Муҳаммад Юсуфнинг тилимиз, пойтахтимиз ҳақидаги, Кавсар Турдиеванинг "Ойим билан аразлашдим"(3-синф), Ўткир Рашиднинг "Ўзбекистон дейдилар", "Оналар", Муҳаммад Юсуфнинг "Истиқлол"(4-синф) каби шеърлари ўқувчиларнинг зерикиб қолишларини олдини олиб, мазкур фаннинг қизиқарли бўлишига ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

"Конституция алифбоси"дан ўқитувчилар учун тайёрланган услубий қўлланмада таълим берувчиларга осонлик туғдириш мақсадида ҳар бир ўтиладиган мавзуни ёритиш тартиби ва ҳатто, унинг учун керакли ашёларнинг номлари ҳам кўрсатилган.

Мурғак фарзандларимизга таълим беришдек шарафли вазифани уддалаётган республикамиздаги



барча бошланғич синф ўқитувчиларига муаллиф сифатида яна бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиманки, мазкур фан мавзуларини ўтаётганда имкони борича кўпроқ ҳаётий, муҳими, жонли ва қизиқарли мисоллардан фойдаланиш жуда катта самара беради, деб ўйлайман. Зеро, бу нарса мавзу материалларининг болалар онгида мустаҳкам ўрнашиб қолишини таъминлабгина қолмасдан, уларнинг тасаввур қобилиятларини ҳам ривожлантиради. Қолаверса, дарсликларда ҳам айни шу имкониятларни кенгайтириш масаласи назардан четда қолмаган.

Китобларимизнинг ўз вақтида ва сифатли чиқишида Андижон қишлоқ хўжалик институти, Куйганёр академик лицейи жамоаларининг моддий ҳамда маънавий ёрдами, Халқ таълими вазирлигининг етарли даражада қўллаб-қувватлаши муҳим омил бўлди. Бу муассасаларга чуқур миннатдорчилик билдирамиз.

Табиийки, китоблар ҳам, услубий қўлланма ҳам ҳар томонлама етук, тўла ва кам-кўстсиз эмас. Мутахассис олимлар, методист ва тажрибали ўқитувчилар ўз фикр-мулоҳазаларини йўллашсалар, кейинги нашрлар сифатининг ошишига, маъно-мазмун жиҳатдан бойишига ишонамиз.

Одилжон ЭРГАШЕВ,
меҳнат фахрийси,
қишлоқ хўжалик
фанлари номзоди

ҚОНУН, АЛИФБО ВА МОҲИЯТ



Услубий бирлашмамиз режасига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишнинг ижросини назорат этиш банди киритилган бўлиб, менга 3-"А" синф ўқитувчиси Манзурахон Саиджалолованинг меъёрий ҳужжатларни бажаришда қандай ишларни амалга оширилганлигини таҳлил этиш топширилди.

Аввалига ҳамкасбимнинг яхши ишлашини шундоқ ҳам биламан, дея топшириқни бажаришга ошиқмадим. Аммо, М.Саиджалолованинг кейинги пайтлардаги фаолияти мени беҳосдан қизиқтириб қўйди. Чунончи, мажмуада ўтаётган "Математика ҳафталиги" мобайнида ўтилган дарслар ичида Манзурахоннинг очиқ дарслари юқори баҳога сазовор бўлганди.

Шу билан бирга "Истиқлол сари" мавзусида ёзилган иншолар кўрик-танловида ҳам Манзурахоннинг ўқувчилари совриндор бўлишди.

М.Саиджалолованинг ҳисоботларини кўриб чиқдим. "Миллий истиқлол ғояси", "Конституция — ҳаётимиз қомуси" мавзуларида дарслар ўтилган. Тасвирий фаолият дарсларида эса ўқувчилар мароқ билан давлатимиз байроғини чизганликларини, "Пойтахтимиз Мустақиллик кунида", "Олий Мажлис биноси"ни расмларда акс эттирганликларини билиб олдим. Энг яхши расмлардан синфда ташкил этилган кўргазмани томоша қилдим.

Дарс таҳлилига кирар эканман, бугун услубиёт "банкига", албатта, бирон бир янгилик қўшишимни билар эдим...

Синф хонасининг ўзида қандайдир тантановорлик шукуҳи сезилиб турар эди. Жавонларда ўқув жиҳозлари тартибли ва саранжом, ўқитувчи столида эндигина узилган гуллар.

Давлат рамзларига алоҳида эътибор берилганлиги кўриниб турибди. Дарс устознинг мамлакатимиз халқи Конституция кунига бағишлаб қандай ишларни амалга ошираётганлиги тўғрисидаги ахборот билан бошланди. Ўқувчиларга ҳам уйга шундай топшириқ берилган экан, улар матбуот ва телевидениеда эшитганлари билан ахборотни тўлдиришди.

Устоз ўйин қоидасини тушунтирар экан, энг муҳими, берилган саволларга тез, қисқа ва аниқ жавоб бериш лозимлиги айтилди: "Чақмоқ саволлар мағзин бир зумда чақмоқ зарур, аниқ ва лўнда жавоблар юқори баҳо олур!"

"Чақмоқ саволлар" — блиц-турнир:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қачон қабул қилинган? (1992, 8 декабрь).

2. Конституция нечта моддадан иборат? (128 та).

3. Конституция нечта бобдан иборат? (26 та).

4. Мустақил давлатимизнинг тўлиқ номи? (Ўзбекистон Республикаси).

5. Давлат рамзларини айтинг. (байроқ, герб ва мадҳия).

6. Миллий валютамиз (сўм).

7. Мустақиллик куни? (1 сентябрь).

8. Ўзбекистон Республикаси пойтахти? (Тошкент).

9. Конституция нима билан бошланади? (Муқаддима).

Блиц-турнир дарснинг 7 дақиқасини ташкил этди. Ўқувчиларнинг барчаси жавоб беришга тайёрлигини кўрсатиб, баралла қўл кўтаришар эди.

— Сиз ўзбек алифбосини яхши биласиз. Бугун биз, сиз билан "Конституция алифбоси"ни тузиб чиқамиз! — деб, дарсни давом эттирди М.Саиджалолова.

— Мен алифбо ҳарфларини бирма-бир эълон қиламан, сиз эса Конституциямизда шу ҳарф билан бошланадиган сўзларни айтасиз. Ҳаммамиз эса "Конституция алифбоси"ни ёзиб борамиз ва ҳаётимизнинг бош қонуни Конституция тўғрисида фикр-мулоҳаза юритамиз.

Мана мен ушбу дарсда ёзиб олган "Конституция алифбоси".

a — adolat (14-модда).
b — bayroq (5-модда).
d — davlat (1- модда).
e — erkinlik (29- модда).
f — fuqaro (18,19,20- моддалар).
g — gerb (5- модда).
h — huquq (24, 25, 26, 27, 28, 29, 30-моддалар), hokim (99, 100- моддалар).
i — imtiyoz (18- модда).
j — jamoat tashkilotlari (34, 56-моддалар).
k — kafolat (22, 42, 43, 44, 45, 92-моддалар).
l — lavozim (78-модда, 17 банд).
m — mustaqillik, mulk, mehnat, majburiyatlar (47, 48, 49, 50, 51-моддалар).
n — nafaqa (39- модда).
o — Oliy majlis, oila (76, 88, 63, 66-моддалар).
p — Prezident, Poytaxt (89, 97, 6-моддалар).
q — qonun, Qoraqalpog'iston, Qurolli kuchlar (15, 16, 70, 75, 125, 126-моддалар).
r — respublika, referendum (9- модда).
s — saylov, soliq (51, 117, 123-моддалар).
t — ta'lim, til (41, 4-моддалар).
u — uyushmalar (56- модда).
v — vijdon erkinligi (31-модда).
x — xalq (7, 8-моддалар).
y — yer boyliklari (55- модда).
z — zaxiralar (55- модда).
o' — O'zbekiston (1- модда).
g' — g'amxo'rlik (66- модда).
sh — shaxs erkinligi (25- модда).
ch — chegaralar daxlsizligi (3, 69-моддалар).

Дарсга якун ясаб, Манзурахон ҳеч кимга сездирмаган ҳолда магнитафонни қўйиб юборди. Синфда Ўзбекистон Республикаси мадҳияси садолари янгради. Ўқувчилар бирдек ўринларидан туриб, қўлларини кўксига қўйишиб, завқ ва ғурур билан мадҳияга жўр бўлишди. Бунда устоз уларга намуна эди. Фикримизча, Президентимиз портрети, республика рамзлари қаторида мадҳия айтаётган Устоз билан бирга бўлиш — ўқувчиларнинг энг муҳим ҳаётий сабоқларидан биридир. Албатта, бу дақиқаларни улар унутмайдилар.

Биз буюк адибларимизнинг ижод булоғини излаганимизда, унинг у ёки бу донишманд, арбоб ёки мутафаккир, шоир ё бастакор суҳбатида бўлганлиги ва шунда буюк ниятларини дилига тукканлиги ҳақида ўқиймиз, гапирамиз. Демак, бизга, ўқувчиларимизга кучли намуна керак! Бизга ҳайрат керак. Мен кузатган дарсда ўқувчилар ўзбек халқи ва давлатида ҳукм сураётган адолат, тенглик, ғурур ва ақл-заковат кучининг улуғворлигидан ҳайратланишди.

Ҳали, олдимизда Конституция куни ҳафталиги! Ҳали олдимизда бир умр, бир аср бор!

Қанчадан-қанча ишларни ҳаётга татбиқ қилишимиз керак. Имоним комилки, ўқувчиларимиз, шогирд ва издошларимизни тайёрлаш ишида М.Саиджалолованинг ишлари бесамара қолмайди.

Ўқувчиларимизга ўзимизда мавжуд ишонч, эътиқод ва иймонни беришимиз зарур. Авлоддан-авлодга ўтадиган қадрият, маънавият ва миллий ғоямиз шундан иборатдир.

С.АБДУЛЛАЕВА,
Тошкент шаҳар Собир Раҳимов
туманидаги "Камол авлод"
мажмуаси ўқитувчиси

Maktabda samarali ta'lim olishining eng muhim shartlaridan biri, bu bolaning bilish faolligi va tafakkurining rivojlanganligidir.

Тендер таклифлари комиссия томонидан 2001 йилнинг 20-декабридан бошлаб тендер ўтказиладиган кунгача, фақат иккилик конвертда муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Olti yoshli bolaning maktabga psixologik moslashuvi va rivojlanish dinamikasini o'rganish bo'yicha tavsiyalar

"Ta'lim to'g'risida"gi qonunga asosan 1998-1999 o'quv yilidan boshlab umumiy o'rta ta'lim maktablariga o'quvchilar 6-7 yoshdan qabul qilinmoqda. Tibbiy, psixologik-pedagogik va defektologik tashxis natijalari asosida o'qishga kerakli darajada ham jismonan, ham aqlan, ham ma'nan rivojlangan olti yoshli bolalar maktabga tavsiya etiladilar.

Maktabga psixologik tayyorlik bolaning ilk o'quv motivlarining shakllanganligi, bilish psixik jarayonlarining yetarli darajada rivojlanganligi, yangi ijtimoiy muhitga moslashuv va jamoaviy hamkorlik ko'nikmalarining mavjudligi, ma'naviy ruhiy salohiyat, shuningdek aqliy imkoniyatlarining ta'lim talablariga mutanosibligi bilan izohlanadi.

Boshlang'ich sinf o'qituvchilari, maktab psixologlari birinchi sinfga qabul qilingan har bir olti yoshli bolani uzluksiz o'rganib, uning maktabga moslashuvi va rivojlanish dinamikasini tahlil etib boradi.Maktab psixologi tomonidan olti yoshli bolalar uchun 1-2 choraklar davomida «Psixologik salomatlik» maktabi korreksion rivojlantirish mashg'ulotlarining olib borilishi, ularni o'yin faoliyatidan o'quv faoliyatiga "silliq" o'tishini ta'minlaydi. Ikkinchi chorak oxirida Olti yoshli o'quvchilarning maktabda ta'lim olishga moslashuvi chuqurlashtirilgan psixologik-pedagogik tashxis yordamida o'rganiladi. Bundan maqsad: birinchi sinf o'quvchilarining maktabga moslashuvi va rivojlanish dinamikasini o'rganish bilan bir qatorda tegishli korreksiya-rivojlantirish tadbirlarini belgilash. Buning uchun quyiadagi muhim psixologik xususiyatlar ham o'rganiladi:

— bolaning maktabda o'qishga munosabati;

— bolaning o'z hatti-harakatini baholash darajasi;

— sinfdagi shaxslararo munosabatlar va bolaning sinfdagi mavqeyi;

— aqliy rivojlanish darajasi, shaxsiy xususiyatlarini;

— o'quvchilarning psixologik muammo va qiyinchiliklari va h.k.

O'quvchilarning psixologik-pedagogik moslashuvi va rivojlanish dinamikasini o'rganish metodikalarni tanlashda quyidagilarni hisobga olish kerak:

1. Tashxis otkazish vaqti bir-ikki soatdan oshmasligi kerak;

2. Qo'llanilayotgan har bir metodika ko'p funksianal bo'lishi, ya'ni bola shaxsi, psixik rivojlanishining turli tomonlarini qamrab olishi kerak;

Xulosalarning haqqoniyligiga har bir metodikadan olingan natijalarini boshqa meto-dikalar natijalari bilan, shuningdek o'quvchining o'zlashtirishi, o'qituvchilar tomonidan unga berilgan tavsifnomalar bilan taqqoslash orqaligina erishish mumkin.

Sizga maktabga qabul qilingan olti yoshli bolalarning o'qishga moslashuvi va rivojlanish dinamikasini o'rganish uchun quyidagi metodikalarni tavsiya etamiz.

I. Topshiriq. Bolaning maktabga munosabatini o'rganish.

Bolaning maktabga bo'lgan munosabatini savolnoma yordamida o'rganish mumkin. Bu savolnoma o'rganilayotgan sinf o'quvchilari uchun xos bo'lgan javoblar mazmunini, shuningdek boshqalardan farq qiluvchi xarakteriga ega javoblarni aniqlash uchun qo'llash mumkin. Har bir savolga olingan javoblarni bir-biri bilan taqqoslamasdan u yoki bu muammoni tasniflash mumkin bo'lmaydi. Masalan, eng yoqadigan hafta kuni sifatida yakshanbani tanlanishiga turli xil sabablar bo'lish mumkin: ta'lim, sinfdoshlar, o'qituvchi bilan bog'liq salbiy kechinmalargina emas, balki ayni shu kuni qiziqarli ishlarning bo'lishi, ota-ona bilan ko'proq muloqot qila olish imkoninig borligi, jamoa va maktabdan charchash sababi ham bo'lishi mumkin.

Ko'rsatma: Eng avvalo bola bilan ishonchli munosabat o'rnatish kerak. Bolalarga berilayotgan savollarning shaklini o'zgartirish mumkin. Bolaning javoblarini diqqat bilan tinglab, nima uchun bunday javob berayotganini sharhlab berishini so'rash kerak. Bolaning javobi taxminiy berilgan javoblar ichida bo'lmasa, javobning mazmuniga qarab psixologning o'zi baholaydi. Agar javobning mazmuni maktabga ijobiy munosabatni bildirsa 1 ball bilan baholanadi.

Natijalarni hisoblash tartibi:

8-10 ball to'plagan o'quvchida maktabga ijobiy munosabat shakllangan.

5-7 balligacha yiqqan o'quvchida esa maktabga bo'lgan munosabat shakllanish arafasida.

0-4 ball umumiy ko'rsatkichni tashkil etsa, demak, o'quvchida maktabga moslashuv darajasi past.

II. Topshiriq. Mantiq va fikrlash tezligi, ko'lami.

Maqsad: Maktabda samarali ta'lim olishining eng muhim shartlaridan biri, bu bolaning bilish faolligi va tafakkurining rivojlanganligidir. Mazkur metodika sabab, oqibat bog'lanishlari hususiyatlarini va ob'yekt, xodisalar o'rtasidagi munosabatlarni to'g'ri talqin etish malakasi, fikriy jarayonlar (analiz, sintez, qiyoslash, abstraklashtirish, tasniflash), ularning kechish tezligini o'rganish uchun qo'llaniladi.

Ko'rsatma: Bolalarga savollar berilib, javoblari qayd qilib boriladi. Vazifa ikki ko'rinishda: verbal va noverbal. Bola verbal savollarga tez va aniq javob berishi kerak.

Natijalarni hisoblash tartibi:

Har bir to'g'ri javob 1 ball bilan baholanadi.

8-9 ball yuqori ko'rsatkich;

5-7 ball o'rta rivojlanganlik darajasi;

0-5 ball rivojlanish darajasi past.

III. Topshiriq. Ixtiyoriy diqqat, uning hajmi, ko'chishi va aqliy ishchanlik darajasini aniqlash.

Maqsad: Bolalarning aqliy ishchanlik qobiliyatini, ixtiyoriy diqqat, uning xajmi, ko'chishini aniqlash.

Ko'rsatma: Bolalarga vazifa tushuntirilgandan so'ng ulardan vazifani qanday tushunganini so'rash kerak. Agar bolalar vazifani tushunishgan bo'lsa, oldindan tayyorlangan so'rovnomalar bilan ishlashga kirishiladi. Ikki daqiqadan so'ng ish to'xtatiladi va varaqalar yig'ib olinadi.

Natijalarni hisoblash tartibi:

Vazifaning bajarilishi ko'rib chiqilgan shakllar miqdoriga va ish sifati (100 ta ko'rilgan shakllarga nisbatan qo'yilgan xatolar miqdori)ga qarab baholanadi: masalan, bola 60 ta shaklni ko'rib 7 ta xatoga yol qo'ygan bo'lsa, bu 100 ta shaklga nisbatan: **X = (7 x 100) : 60 = 11,6** ni tashkil qiladi.

Ko'rib chiqilgan shakllar miqdori qanchalik katta bo'lsa va xatolar soni kam bo'lsa, bolaning ixtiyoriy diqqati va ish qobiliyati yaxshi rivojlangan hisoblanadi.

Bundan tashqari aqliy ish qobiliyatining unumdorlik koeffitsenti quyidagi formula bo'yicha hisoblanadi:

Al = K : (Q + m)

Al – aqliy ish qobilitati;
Q – ko'rib chiqilgan qatorlar miqdori;
K – ko'rib chiqilgan shakllar miqdori;
m - xatolar miqdori;

Har bir o'tkazib yuborilgan qator umumiy ko'rib chiqilgan qatorlar miqdoridan chiqarib tashlanadi va xato deb hisoblanib, umumiy xatolar soniga qo'shiladi.

IV. Topshiriq. Yozuv malakalarini o'rganish.

Maqsad: 1. Qo'lni kichik doirada harakati ongli boshqaruvi, yani qo'lning kichik matorikasini;
2. Yozuv malakalarining shakllanganligi;
3. Ko'rish idrokining shakllanganligi, namuna bilan ishlay olish malakasi;
4. O'quv-yozuv ko'nikmalari, maktabga moslashuvini aniqlash.

Ko'rsatma: O'quvchining ish daftaridan namuna olinib, tahlil qilinadi.

Natijalarni hisoblash tartibi:

Har bir ko'rsatkichning shakllanganligiga qarab 1 ball bilan baholanadi.

5 ball - to'liq barcha ko'rsatkichlar shakllangan;
4 ball – ko'rsatkichlardan biri shakllanmagan;
3 ball – ikki ko'rsatkich shakllanmagan;
1-2 ball – yuqoridagi ko'rsatkichlar yetarli darajada shakllanmagan.

V. Topshiriq. Ko'rgazmali-obrazli xotira.

Maqsad: Ko'rgazmali-obrazli xotira, tasavvur, mayda qo'l matorikasining shakllanganlik darajasini aniqlash.

Ko'rsatma: Bolaga namuna ko'rsatiladi, so'ng javob varag'i beriladi. Bola eslab, rasmlar yoniga mos keladigan belgilarni chizishi kerak.



Natijalarni hisoblash tartibi.

Har bir to'g'ri chizilgan shakl uchun 1 ball beriladi.

9-10 ballgacha to'plagan o'quvchida ko'rgazmali-obrazli xotira yaxshi rivojlangan;

7-8 ball jamlagan o'quvchida ko'rgazmali-obrazli xotira o'rta darajada rivojlangan;

6 ballga ega o'quvchida esa ko'rgazmali-obrazli xotira qoniqarli darajada rivojlangan bo'ladi;

5 va undan past ball to'plagan o'quvchida xotira yetarli darajada rivojlanmagan bo'ladi.

Psixologik-pedagogik tashxis xaritasi

Olti yoshli bolaning maktabga psixologik moslashuvi va rivojlanish dinamikasini o'rganish.

Bolaning ismi_____

Familiyasi_____

Tug'ilgan yili_____sana_____

Maktab_____sinf_____

Maktabga qabul qilinish psixologik-pedagogik va defektologik ko'rik xulosasi (tashxis)_____

_____

_____

I. Bolalarning maktabga munosabatini o'rganish.

1. Maktabda eng muhim narsa nima?

a. o'qish; **b.** o'yin; **c.** _____

2. Haftaning qaysi kuni senga yoqadi?

a. yakshanba; **b.** shanba; **c.**_____

3. Maktabda sen uchun eng qiziqarli narsa nima?

a. dars; **b.** baho olish; **c.**_____

4. Sen bo'sh vaqtingda nima bilan shug'illanishni xohlar eding?

a. o'ynashni; **b.** televizor ko'rishni; **c.** kitob o'qishni; **d.** _____

5. Sening eng yaxshi ko'rgan darsing qaysi?

a. jismoniy tarbiya; **b.** tas. san'at, musiqa; **c.**____

6. Senga maktabda nima yoqmaydi?

a. darsda o'tirish; **b.** dars tayyorlash; **c.** doskaga chiqish; **d.**_____

7. O'qish senga qiyin emasmi?

a. qiyin; **b.** yengil; **c.** _____

8. Yomon baho olsang nima qilar eding?

a. bahoimni to'g'irlashga harakat qilar edim; **b.** xafa bo'lar edim; **c.** bahoimni o'chirib tashlagan bo'lar edim; **d.**_____

9. Sinfingda o'qish bilan birga yana qanday vazifalarni bajarishni istar eding (sanitar, sinf sardori...)?_____

10. Sen qaysi maktabni tanlar eding? **a.** ko'proq dars o'tiladigan **b.** ko'proq o'yinlar o'ynaladiganinimi?_____

II. Mantiqiy fikrlash ko'lami va tezligi.

1. Jumlani tugating

a. Agar stol stuldan baland bo'lsa, unda stul_____

b. Agar ikki birdan katta bo'lsa, unda bir _____

c. Tulki quyon orqasidan, bo'ri esa tulkining orqasidan yugurayapti. Nima oldinda yugurayapti?_____

d. Yoz faslining ikkinchi oyi qaysi? _____

i. Daryo ustida qushlar uchib ketayapti: kaptar, cho'rtan baliq, ikkita qaldirg'och va beshta zog'ora baliq. Nechta qush?_____

k. Elakda qanday qilib suv olib kelsa bo'ladi?_____

2. Mantiqiy ketma-ketlik qonuniyatini toping.

Qatordagi bo'sh katakchani tushib qoldirilgan rasm bilan to'ldiring.

a.

b.



c. Ortiqcha predmetni top va nima uchun ortiqcha ekanligini tushuntir.

III. Ixtiyoriy diqqat, uning hajmi, ko'chishi va aqliy ishchanlik darajasini aniqlash.

Ko'rsatma: Jadval bilan bola ikki daqiqa davomida ishlaydi.

"Diqqat bilan shakllarni ko'rib chiq, ular ichidan faqat uchtasini: uchburcak, doira va bayroqchani top. Uchburchak ichiga chiziqcha-minus (-), doirachalar ichiga qo'shuv (+), bayroqcha ichiga nuqta (.) qo'y".



IV. Yozuv malakalarining shakllanganligini tekshirish.

Yozuv darsida o'quvchi kuzatiladi va uning yozuv malakalariga quyidagi me'zonlar bo'yicha shartli baholar qo'yib boriladi.

1. Kichik qatorlarda murakkab harf elementlarini yozish malakasi_____

2. Yozuvdagi harflarning alifbo namunalariga mosligi_____

3. Yozuv qoidalariga rioya qilishi (ruchkani to'g'ri ushlashi, o'tirishi, daftari 45º da bo'lishi, harflar qiyaligi va h.k.)_____

4. Qaysi qo'li bilan yozadi_____

5. Husnixati_____

V. Ko'rgazmali-obrazli xotira.

O'quvchiga rasmlar va ularga mos keluvchi belgilar ko'rsatilib, mos keluvchi belgilarni eslab qolish so'raladi, keyin esa mos keluvchi belgilarni eslab, rasmlar yonidagi bo'sh kataklarga chizib berish topshirig'i beriladi.

Baholash varag'i.

Bolaning ismi, familiyasi _____

Maktab_____sinf_____

I. Topshiriq

	a	b	c	d
1.	1	0	0	
2.	0	0,5	1	
3.	1	0,5		
4.	0	0,5	1	
5.	0	0,5	1	
6.	0	0	0	
7.	0	1	0	
8.	1	0,5	0	
9.				
10.	1	0	-	
Ballar yig'indisi				

Xulosa:

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

_____

Izoh: d variantga bolaning javobi ijobiy bo'lsa, 1 ball beriladi.

9-savolga ijobiy javob uchun 1 ball beriladi

II. Topshiriq.

Har bir to'g'ri javob uchun 1 ball beriladi.

1	a.	b.	c.	d.	i.	k.

2	a.	b.	c.

Ballar yig'indisi_____

Xulosa_____

III. Topshiriq.

Vazifa ko'rib chiqilgan shakllar miqdori va ish sifati (100 ta ko'rilgan shakllarga nisbatan yo'l qo'yilgan xatolar soni)ga qarab baho beriladi:

X = AQ =

Xulosa_____

IV. Topshiriq.

Ko'rsatkichlar	1.	2.	3.	4.	5.	Ballar yig'indisi
Ballar						

Yozuv malakasining shakllanish darajasi

_____

_____

V. Topshiriq.

1.	2.	3.	4.	5.	6.	7.	8.	9.	10.	Yakuniy ball

Umumiy tashxis (o'quvchining maktabga psixologik moslashuvi va rivojlanish dinamikasini o'rganish natijalari):_____

_____

_____

Tashxis o'tkazilgan sana_____

Maktab psixologi _____

Psixologik-pedagogik tashxis natijalari bo'yicha xulosa chiqarish.

Olti yoshli o'quvchini maktabga psixologik moslashuvi va rivojlanish dinamikasi beshta topshiriqlar natijalari, o'quvchilarning o'zlashtirishi, o'qituvchi tomonidan berilgan tavsifnomani taqqoslash orqali aniqlanadi.

Maktabga psixologik-pedagogik moslashgan bola quyidagi ko'rsatkichlarga ega bo'ladi:

1. Maktabga ijobiy munosabat shakllangan;

2. Bilish faolligi va mantiqiy fikrlashi yaxshi rivojlangan, fikrlash ko'lami va tezligi me'yorda;

3. Ixtiyoriy diqqat rivojlangan va aqliy ishchanlik yuqori darajada;

4. Maktab dasturini a'lo va o'rta darajada o'zlashtirgan;

5. Mustaqil ishlash malakasi shakllangan;

6. Mayda qo'l matorikasi rivojlangan, yozuv malakasi shakllangan;

7. Eshituv va so'z-mantiqiy xotira rivojlangan.

Agarda yuqorida bayon etilgan psixologik ko'rsatkichlar yetarli bo'lmasa, tashxis xulosalari asosida har bir bola uchun individual psixologik korreksiya-rivojlantirish rejasi tuziladi. Mazkur reja asosida psixolog yoki boshlang'ich sinf o'qituvchisi o'quvchi bilan qo'shimcha mashg'ulotlar o'tkazadi.

Y.ASADOV,
Respublika tashxis Markazi direktori o'rinbosari,
Y.BURHONOVA,
Respublika tashxis Markazi psixologi

ЭЪЛОН

Халқ таълими вазирлиги биринчи синф ўқувчиларини ўқув қуроллари ҳамда кам таъминланган оилаларнинг бошланғич синф ўқувчиларини иссиқ кийимлар билан таъминлаш мақсадида тендер танлови ўтказади





2002 йил 3-январь куни болалар курткаси, болалар оёқ кийими (этик, ботинка), қалпоқ ва қўлқоп

2002 йил 4-январь куни ўқув қуроллари (ўқувчилар сумкаси, дафтар, ручка, ўчиргич, қора ва рангли қалам, пластилин, бўёқ, расм дафтари, рангли қоғоз, қаламдон, елим)

Тендер танловида "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси, "Ўзбекчармпойабзали" уюшмаси, "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув", қўшма корхоналар, хусусий ва чет эл фирмалари ва бошқа ташкилотлар ўз маҳсулот намуналари билан қатнашишлари мумкин. Танловда саралаб олинган маҳсулотларга харид қилиш учун шартномалар тузилади.

Тендер танловида иштирок этиш учун маҳсулот намуналари 2001 йил 20 декабрдан тендер ўтказиладиган кунгача қабул қилинади.

Тендер Халқ таълими вазирлигининг "Таълим-Савдо" Бош бошқармасида ўтказилади.

Тендер қатнашчиси қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

✓ Ташкилотнинг молиявий аҳволи ҳақида банкнинг маълумотномаси,

✓ маҳсулот сертификати ва санитария паспорти,

✓ нарх-наво бўйича ва 2002 йилнинг 1-августига қадар қанча миқдорда топшира олиш муддати кўрсатилган таклифлар,

✓ "Таълим-Савдо" Бош бошқармасининг 20210000500101561001 Меҳнат бўлими ЖСБ, МФО 00423, ИНН 200524742 ҳисоб рақамига ҳар бир таклиф этилаётган маҳсулотнинг 2,5 фоизи миқдорида закалат (бўнак) ўтказилганлиги ҳақида тўлов қоғозининг нусхаси.

Тендер таклифлари комиссия томонидан 2001 йилнинг 20-декабридан бошлаб тендер ўтказиладиган кунгача, фақат иккилик конвертда муҳрланган ҳолда қабул қилинади.

Ташқи конвертда корхонанинг номи, манзили тўлиқ кўрсатилади ва унга банк маълумотномаси, маҳсулот сертификати ва санитария паспорти, тендер қатнашчисининг бўнак ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат солинади.

Ички конвертга ҳар бир маҳсулот учун тендер таклифлари ва унга қўйилган нархлар кўрсатилган ҳужжат жойланади.

Тендерга 2001 йил 1-июлдан кейин рўйхатдан ўтган ташкилотлар қўйилмайди. Шу сабабдан тендер қатнашчилари керакли органлар томонидан рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотномани ҳам тақдим этадилар.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга қўнғироқ қилинсин:
68-75-46: 68-94-36: 67-28-70.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ

Танлов сони № 12. Эълон қилинган кун 2001 йил 1 декабрь
Кредит рақами: 1595 (МЖ)-ЎЗБ
Лойиҳа номи: «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг нашр этиш тизимини такомиллаштириш»
Шартнома номи: дарсликлар ва методик қўлланмалар харид этиш.

1. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Осиё Ривожланиш Банки билан «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларнинг нашр этиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси доирасида умумтаълим мактаб ўқувчилари учун дарсликлар ва ўқитувчилар методик қўлланмаларини Ўзбекистон Республикасида жорий этилган Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастури асосида яратиш учун маблағ ажратиш тўғрисида келишган. Танлов ҳужжатлари Осиё Ривожланиш Банки қоидалари асосида тузилган.

2. Халқ таълими вазирлиги дарсликлар ва ўқитувчилар учун методик қўлланмаларни етказиб берувчи корхоналарни танловга иштирок этиш учун таклиф этади.

3. Халқаро рақобатли танлов Осиё Ривожланиш Банкининг «Бир этапли икки конвертли» танлов ўтказиш тартиби асосида ўтказилиб, Осиё Ривожланиш Банкига аъзо бўлган давлатларда қайд этилган барча корхона ва ташкилотлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

4. Танловда қатнашиш истаги бўлган Осиё Ривожланиш Банкига аъзо давлатларда қайд этилган корхона ва ташкилотлар қуйидаги 7-бандда келтирилган манзилдан танлов ҳужжатларини олишлари мумкин. Танлов ҳужжатларини олиш куни 2001 йил 1-декабрдан бошланади ва ҳар куни (шанба ва якшанба бундан мустасно) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 17:00гача берилади.

5. Инглиз ва ўзбек тилларида тайёрланган танлов ҳужжатларини олиш учун иштирокчилар қуйида келтирилган манзилга ёзма ариза билан мурожаат этишлари керак. Шу билан бирга иштирокчилар Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банки Бош Амалиёт бўлимидаги №20203840900101044001 сонли ҳисоб рақамига 100 АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтказганлигини тасдиқловчи ҳужжат беришлари шарт. Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи корхоналар 100 АҚШ долларининг сўмдаги эквивалентини тўлов амалга оширилган кундаги Марказий банк ўрнатган курс бўйича Халқ таълими вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар Миллий Банки Бош Амалиёт бўлимидаги №20203000100101044001 сонли ҳисоб рақамига тўлайдилар. Тўлов методи юқоридаги ҳисоб рақамига тўғридан-тўғри ўтказишдан иборат. Чет давлатлардан бўлган иштирокчиларга танлов ҳужжатлари почта ёки электрон почта орқали юборилади. Маҳаллий корхоналарга почта орқали етказилади. Юборилган ҳужжатларнинг йўқолиб қолиши ёки кечикиб боришига Харидор жавобгар эмас.

6. Барча Таклифлар Танловнинг умумий қийматидан 2 фоизини ташкил этувчи таклиф кафолати билан бирга 2002 йилнинг 16-март соат 11.00 гача қуйида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Чет эл фирмалари таклиф кафолатини эркин алмашувга эга бўлган валюталарнинг бирида тўлайдилар. Маҳаллий корхоналар эса республика миллий валютасида кафолат беришлари мумкин. Танлов таклифлари 2002 йил 16 март соат 11.30 да қуйида келтирилган манзилда барча иштирокчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмайди.

7. Танловда қатнашиш истагини билдирган барча иштирокчилар қуйидаги манзилдан танловга тегишли қўшимча маълумот олишлари мумкин:



Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги,
Лойиҳани Амалга Ошириш Гуруҳи
Лойиҳа менежери Г. Ш.Тугеева
Лойиҳа харид бўйича мутахассиси
Н. Р. Мавлонов

Тошкент шаҳри- 700027, Ўзбекистон кўчаси 80-уй,
«Ўқитувчилар уйи» 311 хона.
Алоқа учун телефон: (998 - 71) 1391573
Факс № (998 - 71) 1391571
Эл. почтаси: uzbpiu@globalnet.uz

INVITATION FOR BIDS (IFB)

IFB Number 12 Date December 1, 2001.
Loan Number: 1595 (SF)-UZB
Project Title: Basic Education Textbook Development Project
Contract Title. Procurement of Textbooks and Teachers' Guides.

1 The Republic of Uzbekistan has received a loan from the Asian Development Bank towards the cost of Basic Education Textbook Development Project and it is intended that part of the loan proceeds will be applied to eligible payments under this Contract for Procurement of Textbooks and Teachers' Methodological Guides created in accordance with State Educational Standards and Educational Curricular established for comprehensive schools of Uzbekistan. The eligibility rules and procedures of the ADB will govern the bidding process.

2. The Ministry of Public Education now invites sealed Bids from eligible Bidders for the supply of Textbooks and Teachers' Guides.

3. International Competitive Bidding will be conducted in accordance with ADB's Single Stage: Two Envelope procedure and is open to all Bidders from eligible source countris.

4. Interested eligible Bidders may obtain further information from the Ministry Public Education and inspect the Bidding Documents at the address given below starting from Desember 1, 2001 every day from 9:00 till 17:00 Tashkent time(except Saturday and Sunday) .

5. The Bidding Document, in English and Uzbek languages, may be purchased by interested Bidders on the submission of a written application to the address below and upon payment of a non-refundable fee of US $ 100 (one hundred) to the Ministry of Public Education's Bank Account No.20203840900101044001 at Main Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan. The Residents of Uzbekistan may pay in local currency(SUM), the equivalent of US $ 100 (one hundred) at the exchange rate of Central Bank of Uzbekistan on the date of implementation of the payment to the Ministry of Public Education's Local Currency Account No.20203000100101044001 at Main Operational Department of National Bank for Foreign Economic Activities of the Republic of Uzbekistan. Method of payment is direct deposit to specified account above. The delivery procedure for Bidding Documents to the Bidders is mail or e-mail for overseas delivery and courier for local delivery. No liability will be accepted for loss or late delivery.

6. Bids must be delivered to the address below at or before 11:00 hours March 16, 2002. All bids must be accompanied by a security of not less than two percent (2%) of Total Bid Price. A Bid Security of local Bidders may be in local currency and Bidders from abroad in a freely convertible currency. Late Bids shall be rejected. Bid will be opened in the presence of Bidders' representatives who choose to attend at the address below at 11:30 March 16, 2002.

7. The Ministry of Public Education will not be responsible for any costs or expenses incurred by Bidders in connection with the preparation or delivery of Bids.

Name: The Ministry of Public Education

Address: Project Implementation Unit
80, Uzbekistan Street,
Tashkent-700027,
Republic of Uzbekistan.
Attention: Ms. Guzal Tugeeva, Project Manager
and Mr. Mavlonov Nabijon, Procurement Officer
Telephone No. (998-71) 139-15-73;
Fax No. (998-71) 139-15-71

МАКТУБЛАРДА ҲАЁТ НАФАСИ

Маълумки, ҳар бир нашрнинг ўз севимли ўқувчиси, мухлиси бўлади. Шу маънода "Маърифат" айни республикамиз зиёлилари газетаси бўлганлиги боис, таҳририятимизга келаётган мактубларнинг аксарияти жамият кўрки ҳисобланган, эслаганда ҳар бир киши энтикадиган мактаблар ҳаёти, ўқувчилик даври, қолаверса, ўз устозларининг амалга ошираётган эзгу меҳнатларини улуғлаб, уларга ўз миннатдорчилигини, таъзимини изҳор этганлари салмоқли қисмини ташкил этади, десак муболаға бўлмайди. Эътиборлиси, мактубларда ёшларни эзгулик дунёсига ошуфта қилишда таълим-тарбиянинг аҳамиятига алоҳида урғу берилган. Ҳукмингизга уларнинг бир туркумини ҳавола қилаётирмиз.

СИЗГА ТАЪЗИМ ҚИЛАМАН

Устоз улуғ зот. Ҳаёт таълимини ўргатувчи бундай улуғлардан жамики инсоният қарздор. Зеро, камолга эришмоқни муаллимлар ўргатишади. Болалигимдан муаллима бўлишни кўп орзу қилардим. Муаллимларимга ҳавасим келарди. Айниқса, биринчи ўқитувчим мен учун ягона, мукаррам инсон.

Қаҳрамонимиз Бухоро шаҳар 20-умумтаълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси Ҳанифа опа Мухторова ҳам шундай устозлар тоифасидан.

— Таълим-тарбия соҳасида ишлайдиган киши ўз ишига виждонан ёндашмоғи, мақсад-вазифани тўла англаб олиб, кейин таълим бериши керак. Менинг шиорим шу, — дейди Ҳанифа опа. Ҳанифа опа ўз қадрли даргоҳида кимё таълими стандарти талабларини амалда қўллаб, аввало, кимё хонасини замон талаблари даражасида жиҳозлади.

Бухорои шарифнинг Ширбудун маҳалласида жойлашган Мирзо Улуғбек номли мактабга Ҳанифа опани излаб бордик. У ўқув-кўргазма қуроллар, реактивлар, кимёвий идиш ва асбоблар сақланадиган алоҳида ажратилган хонада тажриба ўтказарди. Ўқувчи-ёшлар эса тажриба асосида тест синовлари варақасини тўлдиришарди...

Албатта, ўз меҳрини болажонларга бағишлаган Ҳанифа опа бир дам бўлса-да, изланишдан толмайди. У киши каби бағри кенг, фидойи устозлар сафи кенгаяверсин!

Муҳиба ҲАМИДОВА

«ЎҚУВЧИЛАР» ЯНА «БИРИНЧИ СИНФДА»...

Андижон вилояти Марҳамат шаҳридаги Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги 10-ўрта мактаб (ҳозирги 40-ўрта мактаб) нафақат туманимизда, балки вилоятда ҳам кўзга кўринган кўҳна билим даргоҳларидан биридир.

Шуниси диққатга сазоворки, мактабни тамомлаганлар ўзларига илк бор сабоқ бериб, ҳарф танитган қадрдон даргоҳларини, меҳрибон устозларини асло унутмайди. Шу боисдан ҳам мактабни битириш саналарини тез-тез нишонлаш анъанага айланиб қолган.

Яқинда ушбу билим масканида ана шундай ибратли тадбирлардан яна бири бўлиб ўтди. Бу сафар 1960-1961 ўқув йилида мактабни тамомлаган собиқ ўқувчилар қадрдон даргоҳига ташриф буюрдилар.

Учрашув аввалида кекса "ўқувчилар" мактабга кираверишдаги йўлакчада чиройли саф тортишди. Улар карнай-сурнай садолари остида шодон қарсаклар билан севикли устозларини қаршиладилар. Кимдир қўнғироқ чалди. Худди бундан 40 йил аввал бўлгани сингари ўзлари билим олган синфга ошиқдилар. Одатдагидек, синф йўқламаси ўтказилгач, "Алифбе" сабоғи бошланди. Яна қўнғироқ, бу гал — танаффус. Ҳамма шошиб ташқарига интилди. Гўё ўша 40 йил илгари ўтган ёшлик кунларини эслагандай...

Учрашувга бағишланган тантанали кечани мактабни ўша вақтдаги илмий бўлим мудири Мамасоли Кимсанбоев очди. Кеча қатнашчиларининг қадрдон устози, бир неча йиллар синф раҳбари бўлиб ишлаган Раяхон Ўразгуловага сўз берилди. Ундан сўнг математика ўқитувчиси Фатхи Рисаев, тарих ўқитувчиси Голия Рисаева, жисмоний тарбия ўқитувчиси Мирзажон Абдуллаев ва бошқа устозлар ўз эсдаликларини, қизиқарли воқеаларни гапириб беришди. Сўнгра ҳаётдан кўз юмган устозлар ва синфдошлар эсга олиниб, уларнинг руҳига қуръон тиловат қилинди.

Собиқ ўқувчилар кечага беморлиги туфайли қатнаша олмаган устоз-ўқитувчилардан А.Нурматов, М.Мамажонова, М.Мирзаевларни уйларига бориб йўқладилар. Хуллас, шу куни мактаб қучоғи ўзига хос шодиёналар билан тўлиб-тошди.

А.ЭРАЛИЕВ,
ўқитувчи

Газетамизнинг шу йил 17 ноябрь сонида Мамаражаб Тўраевнинг "Элзод ўқиши керак" номли мактубини эълон қилган эдик. Мактуб таҳририятимизга шу йилнинг июль ойида келган эди. Газета саҳифасида эълон қилингач, унга Ҳамза туманидаги республика мусиқа мактаб-интернати жамоасидан жавоб мактуби келди.

Халқ таълими вазирлигига қарашли Ҳамза туманидаги республика мусиқачилар тарбияловчи мактаб-интернатида «Оналар ва болалар йили»га бағишланган дастур режасига асосан якунловчи тадбир, "Маънавиятимиз сарчашмалари" (зиёли, санъаткор, меҳрибон онахонлар, устозлар, фахрли аёллар) билан давра суҳбатлари ўтказилди. Маънавият-маърифат бўлими раҳбарлигида тайёрланган ушбу тадбирда энг яхши ижрочилар кўрик-танлови ғолибларининг чиқишлари кеча дастурида алоҳида эътиборга сазовор бўлди.

ЭЛЗОД ЎҚИЯПТИ

Тарбияланувчилардан, айниқса, 5-"А" синф ўқувчиси Элзод Ражабовнинг ҳам қўшиқчи, ҳам созанда, ҳам ширин шеърият соҳиби эканлиги ҳаммани ўзига жалб этди. Элзод мактаб-интернатда "Ёш қаламкашлар" тўгарагининг фаол аъзоларидандир. Элзод ўзининг маҳорати билан ёш бўлишига қарамай, мактаб-интернатимизга тез танилди. Ҳатто мактаб-интернат директори Машҳура Каримова ҳам ундан фахрланиб: «Элзоджон сентябрь ойининг ярмида ўқишга келса ҳам олиб янглишмабмиз, барака топкур, оқлади ишончимизни» деди.

Ҳозирда Элзод яхши ўқиши билан бирга мактаб-интернат қошида ташкил этилган Маъмуржон Машрапов раҳбарлигидаги "Ниҳол" ёш қўшиқчилар тўгараги иштирокчиси, ёш бастакор ҳамдир. Мусиқа чолғулари ижроси бўйича мутахассис устози Наримон Орипов ҳам шогирди Элзоднинг қобилиятини ижобий баҳолайди.

ЎҚИТУВЧИ МЕҲНАТИ ШОГИРДЛАРИДА НАМОЁН

Қаердаки изланувчанлик, олий мақсадлар сари интилиш бўлса, ўша жойда, албатта, муваффақият, тараққиёт, юксалиш бўлади. Айтиш мумкинки, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманидаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернатининг йил сайин таълимдаги эришаётган ютуқларига ҳам худди шу омиллар сабаб бўлаётир, десак, янглишмаймиз.

Илм даргоҳи бундан ўн бир йил муқаддам ўз фаолиятини бошлаган бўлиб, унинг ташкил этилишида мазкур масканнинг математика фани ўқитувчиси Тўхтамурод Жумаевнинг елиб-югуришлари сабаб бўлган эди. Дарҳақиқат, ушбу билим ўчоғи 1990 йил 1 сентябрдан илк толиби илмларини ўз бағрига чорлади. Албатта, узоқни кўзлаб қўйилган ҳар бир қадам қисқа давр мобайнида ўз самарасини кўрсата бошлади. Бу мазкур мактаб-интернат ўқувчиларининг тез орада вилоят ва республика фан олимпиадаларида, спорт мусобақалари, қолаверса, турли кўрик-танловларда юқори поғоналарни забт этишларидан далолат.

Ушбу даргоҳнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ўқувчилар математика, физика, тарих, биология ва кимё ҳамда чет тилларини чуқурроқ эгаллайдилар. Бунинг учун мактаб-интернат маъмурияти томонидан ёшларга барча имкониятлар, қулайликлар яратилган. Шу боис бўлса керак, таълим масканида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳар йили 95-98 фоизи тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий ўқув юртлари талабалари сафига қабул қилинаётирлар. Биргина 2000-2001 ўқув йилини оладиган бўлсак, мактаб-интернат ўқувчиларининг 4 нафари республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида физика-математика фанларидан баҳсларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритдилар.

— Сарҳисоб қиладиган бўлсак, мактаб-интернатимизда билимлар пойдеворини эгаллаган ўқувчиларимизнинг аксарияти юртимиз, ҳатто, хорижий давлатларнинг нуфузли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда, — деди суҳбатда мактаб-интернатнинг инглиз тили ўқитувчиси Б.Собиров.

Дарҳақиқат, муаллимнинг ўз ўқувчилари эришаётган ютуқларидан мамнун бўлаётганликлари бежиз эмас, албатта. Зеро, устознинг меҳнати у тарбиялаган шогирдларнинг эришган ютуқлари, элига қилаётган хизматлари билан ўлчанади.

Н.АҲМЕДОВА,
мактаб-интернат ўқитувчиси

ДАРС — БУ ИЖОД

Севимли газетамиз саҳифаларида тез-тез илғор ўқитувчи ва мураббийларимизнинг янги-янги иш тажрибалари билан танишиб, бу тажрибалардан ўз фаолиятим давомида фойдаланаман. Булардан илҳомланиб мен ҳам ўзим дарс ўтаётган тарих фани бўйича тажрибаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Аксарият дарсларимда "Тарих ва йил" ўйинини ташкил этаман, ўқувчиларнинг тарихий шахслар номини билишлари ёки сана, воқеаларни ёдда сақлашлари учун бошқотирма, чайнворд, кроссвордлардан фойдаланаман. Бундай ўйинлар ижодиёт тури бўлиб, ўқувчиларни китоб ўқиш, тарихий хариталарни ўрганиш, янгиликларни излаш, хуллас, мустақил билим олишга чорлайди.

Ўқувчининг дарс давомида фаоллиги дарсдан сўнг ҳам давом этади. Натижада у дарсга маълум тайёргарлик кўриб боришга одатланади. Айни вақтда ўқитувчи янги дарс мавзусини олдиндан айтиши, керакли жиҳозлар ва айрим маълумотларни тайёрлаб келиши тавсия этилиши мумкин.

Масалан, 7-синф "Жаҳон тарихи" дарслигининг "Ўрта аср шаҳарларининг ўсиши" мавзусини ўтиш жараёнида ўқувчиларга олдиндан келгуси дарсда "Феодал мулкига саёҳат", "Деҳқонларнинг ҳаёти" каби мавзулар учун керакли жиҳозлар тайёрлаб келиши айтилади. Натижада ўқувчилар дарсга маълум даражада тайёргарлик кўради. Хуллас, бу усул вақтни тежаб, унинг самарали бўлишини таъминлайди.

Б.ЧОРШАНБИЕВ,
Шаҳрисабз тумани 57-мактаб тарих фани ўқитувчиси

Ta'lim va islohot

"МОДУЛЬ" ТЕХНОЛОГИЯСИ — ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Андижон шаҳридаги 1-гимназия директори Ҳимматхон Пўлатова Очиқ Жамият институтининг "Сорос" жамғармаси томонидан ташкил қилинган раҳбарлар ўқув-семинарида иштирок этиб, ўзлаштирган билимлари асосида гимназияда янада мукаммалроқ тизимни жорий қилишга жазм этди. Барча ўқитувчилар учун мониторинг хонасида алоҳида режа асосида ўқув машғулотлари бошлаб юборди. Гимназияда жаҳон таълим тизимида кенг қўлланиладиган "Модул" технологияси бўйича тажриба бошланишини айтди. Рейтинг усули кенг қўлланилаётган гимназия учун бу ўта муҳим ҳисобланади. "Модуль" технологияси бўйича, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида янада мукаммал ҳамкорлик ўрнатилади. Ўқитувчи дарсга кунлик тайёргарлик билан эмас, модуллаштирилган тарзда машғулот ўтиши, қўлида кунлик конспект эмас, йиллик режа, албатта, бўлиши даркор. Ўқувчини эса фақат дарсликка суяниб қолмай, изланиб, ўз устида ишлаб боришга ўргатиш тақозо қилинади.

Ўқитувчилар "Модуль" технологиясини ўзлаштириш учун тинимсиз изланиши зарур. Гимназия ўқитувчилари бу усулни тўла ўзлаштирдилар. Бугун улар ҳар бир дарсга эмас, йиллик мавзуга тегишли адабиётларга, ўқувчи билан мулоқотга, тортишув ва баҳсга тайёр турадилар. Ўқувчини дарсдан ташқари изланишга, фикрлашга, мунозара маданиятини эгаллашга ўргатадилар. Ўз-ўзидан "Модуль" технологияси рейтинг усулини мукаммаллаштиришга хизмат қилаётир.

Гимназияда умумий ўрта таълимни давлат стандарт-лари асосида бошқариш бўйича республика педагогика фанлари илмий текшириш институти билан ҳамкорликда иш олиб бориш учун шартнома имзоланган.

— Мақсадимиз умумий ўрта таълим соҳасини жаҳон таълим стандартларига тенглаштириш, — дейди Ҳ.Пўлатова. — Бугунги ёшлар ўн йил олдинги авлоддан кескин фарқ қилади. Демак, аввало, бугунги ўқитувчини мукаммал ўқитиш зарур.

Дарҳақиқат, давр шиддаткор, замон залворли. Замон билан ҳамнафас гимназия жамоаси тажрибасини оммалаштириш вақти келди. Бунинг учун эса имконият ва шароитлар етарли.

О.СИДДИҚОВ
Андижон вилояти

МАҚСАДИМИЗ - ЯНГИ АЛИФБОМИЗНИ ЎРГАНИШ

Бугун юртимизда босқичма-босқич татбиқ этилаётган лотин алифбосига асосланган янги ўзбек ёзуви мамлакатимизнинг жаҳон миқёсига чиқишига хизмат қилади. Биринчидан, дунёнинг 70 дан ортиқ мамлакатида лотин ёзувидан фойдаланадилар. Иккинчидан, БМТ, ЮНЕСКО каби ташкилотларнинг маълум қилишича, янги техника ва технология, фанларга оид адабиётларнинг ўрта ҳисобда 80 фоизи лотин алифбосида чоп этиларкан.

Ҳозирги кунда республикамиз аҳолисига янги алифбони ўргатиш, уни тарғиб этиш мутахассисларнинг асосий вазифаларидан бўлиб турибди. Ҳар бир ўқув юртида, корхона ва ташкилотларда янги алифбони ўргатишга доир машғулотлар, дарслар ташкил этилаяпти. Матбуот саҳифаларида ҳамда телевидение орқали янги алифбо ва имло қоидаларини ўргатишга доир рукн ҳамда дарслар ташкил этиляпти.

Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига ўтишдек тарихий жараёнда, айниқса, ўқитувчиларнинг ўрни ва масъулияти жуда катта. Шу сабабли ўқитувчилар, мураббийлар бу борада ташкил этиладиган тадбирларда фаол қатнашишлари лозим.

Сувон АСРОРОВ,
Касби туманидаги 20-мактаб ўқитувчиси,
Тоштемир ҲАМИДОВ,
Касби тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Ўзбекнинг томири ер юрагида,
Хаёли етти қат осмонда масъуд.

ВАТАНГА МАНСУБЛИК

Баногоҳ чўққидан қуласа бир тош
Тоғ пойига тушар, тоғни тарк этмас.
Эт билан тирноқдек бир жону бир тан
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Қуёшга интилган ҳавойи буғлар
Баланд парвозларни қилса ҳам ҳавас,
Бир кун қайтиб келар ўкириб-йиғлаб,
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Шашмақом — минг йиллик
наво муаттар,
Очсам кўкайимни янграр қадим сас.
Авлодлар туғилар, аждодлар ўтар,
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Улуғлар юксалар ер остида ҳам,
Ҳайкал бўлиб ўсар, эли унутмас.
Шаҳидлар боғидан куйлаб ўтаман:
Ватандан яралган
Ватандан кетмас.

Тошдан учган учқун ялт этиб ўчар,
Ўчган чўғ қайта ўз ҳолига келмас.
Чопонинг силкисанг ғубори кўчар,
Ватандан тўкилган
Ватандан эмас!

ШУКРОНА

Ҳақ эгам, ҳақлигингни
Билдирганинга шукур.
Ўз устимдан ўзимни
Кулдирганингга шукур.

Йўғимни ҳам бор этиб,
Ул зотга даркор этиб,
Бағримни баҳор этиб,
Бўлдирганингга шукур.

Дўст-душманни кўндириб,
Асов отга миндириб,
Юрар йўлим ундириб,
Елдирганингга шукур.

Синов солиб бошимга,
Шерик қилиб ошимга,
Аҳёрни ҳам қошимга
Келдирганингга шукур.

Ҳаёт худди кўпкари,
Бахт бир бери, бир нари,
Гоҳ ўйда шу сингари
Қолдирганингга шукур.

Ким зару ким қумлигин,
Кимнинг асл кимлигин,
Бу дунёнинг шумлигин
Билдирганингга шукур.

Ишқ ичра мансаб бўлмас,
Ошиқликнинг ўзи бас.
Ҳур кўнглимга пок нафас
Тўлдирганингга шукур.

Ой билан оқшом хуштор,
Кун билан кундуз дилдор,
Шеър айтиб, эски дутор
Чалдирганингга шукур!

* * *

Менга доим шундай туюлар:
Юрагимнинг гулбоғларига
Умр ёмғир каби қуйилар.

Томирларим — тезоб шаршара,
Ҳаёт суви оқар шарқираб
Ва қушиқлар куйлайди сара.

Қушиқ учар кўксимга сиғмай, —
Лабларимда жаранглаб кетар
Марваридлар сочилганидай.

Биллур ёмғир қуйилар муқим...
Фикрим гуллар олча мисоли,
Борган сари ёришар руҳим.

Аммо уйқум йўқдир тунлари
Оҳ, бир куни тинар-ку ёмғир,
Сўлмасмикан фикрим гуллари?!

БУ БОҒ

Бу боғ абадийдир, ҳар яшил япроқ
Илоҳий чашмадан сафолар ичар.
Изтироб уйида дард ёққан чироқ
Шифо эпкинида парпираб ўчар.

Тақдир шамоллари бу тоза боғни
Заъфар хазонлардан айлагай фориғ.
Сориғ яшил бўлур ҳидоят чоғи,
Неки зумураддир оқибат сориғ.

Фақат тафаккурнинг ўчмас излари,
Теран туйғулардан кўнгил музайян.
Бизни азиз қилар изҳор сўзлари
Ва айтилмайин қолган калималар ҳам!

ЮЛДУЗ ШУЪЛАСИ

Устоз Абдулла ОРИПОВнинг 60 ёшига

"Юраги ботирдир, ҳар сўзи ёқут,
Абдулла акангнинг этагидан тут.

Устоди кабир лутф-иноятидан
Темирни хамирдек юмшатди Довуд.

Устоз ўгитидай ўткир қилич йўқ,
Йўқ, устоз пандидек мустаҳкам совут".

Раҳматли отамнинг даъватларидан
Ҳамон юрагимда гуруллайди ўт.

Устозим Наврўзда туғилмиш, ўзим
Ўн йил ўтгандан сўнг, кундан яна тўрт.

Ўсди болалигим узумга тўйиб,
Онамдек бол бериб улғайтирди тут.

Ниҳоят Некўзда кўчган наърадан
Уйғонди Гараша, кўз очди Накрут.

Йўллар етаклади Тошкент бағрига,
Қуйилди кўксимга навою суруд.

Не бир замон кечди шундан буёғи
Макру нағмалари бўлган йўқ унут.

Не бахт, ўзбекнинг ҳам келди ҳамали,
Ортда қолди буткул аямажиз, ҳут.

Аммо "Митти юлдуз" юксакда ҳамон,
Ҳамон юракларга таратади қут:

Ўзбекнинг томири ер юрагида,
Хаёли етти қат осмонда масъуд.

Бол келса, элингга туҳфалар айла,
Ғам келса, қолдирма, сўнгигача ют.

Устоз кирибдилар олтмишга бу ҳол,
Мен ўн йил берида турибман бойқут.

Юлдуз-ку абадий порлаб қолажак,
Нур тушган кўнгил ҳам бўлмагай унут!

КЎНГЛИ ТЎҒРИ ОДАМ

Даврада бир киши маза-бемаза
Сўз айтиб, авомни қиларди изза.

Бирига дер эди: "Рангингиз сариқ,
Мендан кичиксизу қолибсиз қариб".

Бировин тутал деб, бошқасин манқа,
Ҳар кимга осарди ҳунук бир ланқа.

Ноқис табиатин этса-да аён,
"Тўғри сўз одамман!" дер эди чандон.

Давра бир четида чойдан узатиб,
Мен ҳам ўтирардим уни кузатиб.

Ёшлар ғаши келиб бу ғайри ҳолга,
Қараб қўйишарди нуроний чолга.

"Болам, — дея вазмин
сўз бошлади чол, —
Гапларим кўнглингга келмасин малол.

Тўғри сўз бу ҳали донишлик эмас,
Букрини ҳеч ким сен букрисан демас.

Ток ёнида тўғри кўринган сада
Минг қилса, эгридир шамшод олдида.

Ўқ тўғри ва лекин эгридур камон,
Шу боис жароҳат етказур ёмон.

Ўйламай сўз айтмоқ нодоннинг иши,
Кўнгли тўғри одам —
шу ростгўй киши!".

«КЕТМОНЧИ» ДЎСТ

Билишимча, белкуракни кўрмайсан хуш,
Аррани ҳам. Билганингдан, майли, қолма.
Не бўлса-да, эҳтиёт бўл, "кетмончи" дўст,
Қизиқ усти ўз оёғинг чопиб олма!

Саъдулла ҲАКИМ

ЭЙ КЎНГИЛ

Нописанд босма хазон япроғини,
Бошинг узра эсла соя чоғини.

Тангри ҳукмига азал бир чора йўқ,
Бандаси билмас келиб-кетмоғини.

Истаса, бергай шифо беморига,
Дард бериб солгай синовга соғини.

Умр ўтар дарё каби қалқиб оқиб,
Айлагил тақдир насиб қирғоғини.

Раббано қодир ўзи, ғофир ўзи,
Ҳар нафас тортиб турар қармоғини.

Боқ, қуёшни қон этиб ҳар рўзи шом
На учун кўз-кўз этар ўроғини?

Билмаса меъёрини офтоб ҳам
Қувратар боғи чаман ҳар ёғини.

Эй кўнгил, бўл ҳодисот ибрат сенга,
Эл аро фасона эт келмоғини.

Олмоқ эрсанг, бир ғариб кўнглини ол,
Айро этсанг, айро эт дил доғини.

Саъди оллога етар қирмочи ҳам,
Ёри жонга туҳфа қил қаймоғини.

Шон деса, йўл олди деб Тошканни айт,
Шаън деса, кўрсат Нурота тоғини!



СЕН ЎЗИНГ

Шеър ёзмадим номингни атаб,
Кошки, исминг ягона бўлса?
Истайманки, бор мақтовларим
Бошқаларга бегона бўлса!

Сурайёдек номинг эъзозлаб,
Таърифингда очар бўлсам сўз,
Боқий савр қаҳкашонидан
Хумор боқар бир тўда юлдуз.

Юрагимга исминг аслида
Худди нишон каби қадалган.
Аталмаган шеърларим бари
Фақат ёлғиз сенга аталган.

ЭСКИ КИТОБ

Эски китобларни
ўқидим кўп-кўп,
Олтинга топилмас
кўрганим фойда:
Наъраси чақмоқдек
шиддатли шер ҳам
Мушукча бўлолмас
сир қочган жойда.

ҲАВАС

Иштонсиз иштони йиртиққа кулар,
Йўрмалаб ўтирма йиртиғингни, бас.
Не тонг, аҳволи танг ўша кимсалар
Йиртиқ иштонингни қилсалар ҳавас.

ДУНЁ ДАРИЧАСИ

ПОРТЛАШ СОДИР ЭТИЛДИ

Исроилда автобус портлаши натижасида камида 4 киши қурбон бўлди. Исроил радиосининг хабар беришича, марҳумлар орасида шу ҳаракатни амалга оширган жиноятчи ҳам бор. Фожеани кўрганлардан бирининг айтишича, автобус Надера ва Афула шаҳарлари орасидаги ҳарбий базадан узоқда бўлмаган жойда кетаётган эди.

ТОЛИБЛАРНИНГ ЯНА БИР ҚАБИҲЛИГИ

Толиблар Қандаҳорда бир фуқарони айғоқчиликда айблаб омма олдида осишди. Маълумотларга кўра, у уяли алоқа орқали гаплашаётган вақтида ҳибсга олинган экан.

Фожеани кўрганлардан бирининг айтишича, ҳукм шаҳар марказидаги "Жабрдийдалар чорраҳаси" майдонида ижро этилган.

КЕТИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК КЕРАК

АҚШ ҳаво кучлари Толиблар ихтиёрида турган Қандаҳорни бомбардимон қилишда давом этмоқдалар. Шунингдек, «Ал-Қоида» жангарилари ҳамда Толибонларни Покистон ёки Эронга ўтиб кетишларига йўл қўймаслик мақсадида шаҳардан 130 км. жанубдаги авиабазага яна қўшимча америкалик ҳарбийлар олиб келинди. Бундан ташқари Мозори-Шарифдаги аэропорт хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ҳам 20 нафар аскар жойлаштирилди.

Боннда ўтказилаётган БМТнинг Афғон форумида эса томонлар ўзаро бир-бирини тушунишга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо ҳали вақтинчалик ҳукумат тузиш борасида бирор тўхтамга келинганича йўқ.

ҲАЁТНИ СЕВМАГАН АЁЛ

«Интерфакс» нинг хабар беришича, Урус-Мартан туманида нотаниш аёл гўё бир нима сўрамоқчи бўлиб туман ҳарбий коменданти билан бирга турган ҳарбий хизматчиларга яқинлашади ва ўз ичига яширган моддани портлатиб юборади. Фожеа туфайли аёл ва бир хизматчи ҳалок бўлди. Комендатура бошлиғи ва унинг икки нафар ходими оғир тан жароҳати олдилар.

Гудермес туманида эса почта хизмати ёнидаги Терешкова кўчасида юз берган портлаш туфайли 4 нафар милиционер ҳалок бўлди. Маълум бўлишича, портловчи модда аввалдан қўйилган экан.

ВАЗИЯТ ЖИДДИЙ

«Рейтер» агентлигининг хабар беришича, Кашмирдаги тўқнашувлар тўхтаганича йўқ. Кеча Сринагар яқинида Ҳиндистон чегара хизмати ходимлари ва Кашмир айирмачилари ўртасида отишмалар бўлиб ўтган. Натижада етти нафар чегарачи ҳамда камида бир айирмачи гуруҳ аъзоси ҳалок бўлган. Ундан аввалроқ эса Кашмирда қуролли кучлар автокалоннасининг исёнчилар пистирмасига учраши туфайли 11 нафар ҳинд аскари ҳалок бўлган эди.

РОССИЯ ҲАРБИЙЛАРИ ҚОБУЛДА

Россия ҳарбийларининг Кобулда пайдо бўлиши, бутун дунёга "Приштина" операциясини эслатиб юборди. АҚШ давлат котиби Колин Пауэл ўз баёнотида, Россия қуролли кучларининг Қобулдаги "ташрифи" Вашингтон нуқтаи-назарида ҳеч қандай муаммо туғдирмаслигини ва бу ҳаракатни ҳатто қўллаб-қувватлашини билдирди, деб хабар беради Би-Би-Си мухбири.

Nobel mukofoti sohiblari

ТИНЧЛИК ПОСБОНЛАРИ

Маълумки, Нобель мукофоти соҳиблари орасидан ер юзида тинчлик учун курашган бир қатор таниқли давлат арбоблари ҳам ўрин олган. Агар совринсидаги қўшган хизматларини Норвегия Нобель қўмитаси (тинчлик соҳасидаги мукофотлар шу ерда берилади) муносиб тақдирлади ва унга 1985 йилги тинчлик соҳасидаги Нобель мукофоти берилди. Гиппократ қасамига содиқ бўлган ушбу ташкилот аъзолари ҳозирги кунда ҳам ҳормай-толмай ўз фаолиятларини давом эттирмоқдалар.

Ўз вақтида Нобель мукофотига сазовор бўлган ташкилотлардан бири Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги болалар жамғармасидир. Бу жамғарма 1946 йил 11 декабрь куни БМТнинг Бош Ассамблеяси резолюцияси асосида ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаси Иккинчи жаҳон уруши даврида вайрон бўлган Европа шаҳарларида бошпанасиз ва етим қолган йигирма миллионга яқин болаларга ёрдам беришдан иборат эди.

Унинг биринчи директори этиб Морис Пэйт тайинланган. Дастлабки уч йил ичида ушбу жамғарма томонидан қийналган болаларга жами 112 миллион доллар миқдоридаги турли ёрдамлар кўрсатилди, 8 миллиондан зиёд болалар сил касаллигига қарши эмланди. Бундан ташқари жамғарма ёрдамида бир қатор давлатларда сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати қайта тикланди.

1950 йилларга келиб Европа давлатлари иқтисодий ҳаёти ўз йўлига тушгач, жамғарма ривожланаётган давлатлар болалари соғлигини сақлаш ва уларни озиқ-овқат билан таъминлашга доир бир қатор тадбирларни амалга оширди. Бу борада 40 дан ортиқ давлатларга зарурий ёрдамлар кўрсатилди.

Болалар жамғармасининг олиб борган хайрли ишлари тинчлик соҳасидаги Нобель қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди. 1965 йили бу жамғармага Нобель мукофоти берилди.

Мукофот берилгандан сал ўтгач, жамғарма директори Морис Пэйт вафот этди ва унинг ўрнига америкалик дипломат Генри Лабиусс сайланди. Бир йилдан сўнг жамғарма қошида Морис Пэйт номидаги хотира мукофоти таъсис этилди.

1970 йилга келиб болалар жамғармасининг сармояси 100 миллион доллардан ортиб кетди. Ҳозирги кунда ҳам жамғарма ривожланаётган давлатларда ҳаёт тарзини яхшилаш борасида нодавлат ташкилотларга баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқда.

Энди эътиборингизни Нобель мукофотига сазовор бўлган яна бир ташкилотга қаратмоқчимиз. Бу ташкилот номи «Америка жамиятга хизмат қилувчи Биродарлар комитети» деб аталади. Биродарлар қўмитасига 1917 йил 4 июнь куни Пенсилвания штатида асос солинган бўлиб, унинг дастлабки аъзолари биринчи жаҳон урушига қарши норозилик билдирган квакерлар (христиан художўйлари оқими)дан иборат эди. Унинг биринчи раҳбари Жорж Фокс бўлган.

Европада бошланган биринчи жаҳон уруши йиллари улар ҳарбий госпиталларда ярадорларга ёрдам берганлар, бошпанасиз қолганлар учун йиғма уйлар ясаганлар ва Труа шаҳрида сил касалига чалинган болалар учун даволаниш маскани қурилишида фаол қатнашдилар.

1917, 1918 йиллари кўнгиллилар сифатида Францияга келган квакерлар фермадан фермага ўтиб ер ҳайдадилар, экин экиб ҳосил йиғиштирдилар ва шу йўл билан халқ бошига тушган очликни енгиллаштиришга ҳаракат килдилар. Айниқса, Марне шаҳри яқинида бўлиб ўтган жангларда ўқ ёмғирлари остида жангоҳдан қариялар, болалар ва ярадорларни олиб чиқишда жонбозлик кўрсатдилар. Биринчи жаҳон урушидан сўнг улар Олмонияда озиқ-овқат ва кийим-бош тарқатиш билан шуғулландилар.

1938 йили нацистлар партиясининг "шарофати" билан Олмонияда 38 мингдан ортиқ яҳудий миллатига мансуб инсонлар концлагерларга ташланди. Бу воқеадан ҳабар топган Биродарлар комитети зудлик билан у ерга ўз ишчи гуруҳини жунатди. Гуруҳнинг саъй-ҳаракати туфайли азобланаётганларга ёрдам бериш учун рухсат олинди. Баъзиларининг эса бошқа давлатга чиқиб кетишларига эришилди. Иккинчи жаҳон уруши йилларда ҳам Биродарлар комитети ўз фаолиятини тўхтатгани йўқ. Комитет ўз фаолияти давомида кўрсатган жонбозлик ва каҳрамонликлари учун 1947 йили тинчлик соҳасидаги Нобель мукофотига лойиқ кўрилди.

Ушбу ноёб мукофотга сазовор бўлган комитет уруш ва террор, ноҳақлик ва таҳқирлаш курбонларига, шунингдек, қурғоқчилик, очлик ва табиий офатдан зарар кўрганларни ҳам эътиборсиз колдирмаган ҳолда доимий ёрдам беришни давом эттирдилар.

Улар ҳозирги кунгача ҳам ер юзидаги қашшоқлик, инсон ҳақ-ҳуқуқларини топталиши, очлик ва бошқа муаммолар бўйича бонг уриб турибдилар.

Фикримизни кейинги мақолада давом эттирамиз.

Абдумажид ТЎРАЕВ,
Ўзбекистон физика жамияти ҳайъати аъзоси, физика-математика фанлари номзоди

COCA-COLA ЗАВОДИДА ПОРТЛАШ

Непал пойтахти Катмандода жойлашган Coca-Cola компанияси заводида иккита портлаш содир бўлди. Полициянинг фикрича, бу жиноятни моист кўзғолончилари амалга оширганлар. Боиси, улар ҳозирга қадар заводга ҳуруж уюштиришга ҳаракат қилиб келардилар. Айни вақтда икки гумондор сўроқ қилинмоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, моист айирмачиларига қарши курашаётган ҳукуматни Қўшма Штатлар қўллаб-қувватлаётганликлари учун амалга оширилган бўлиши мумкин. Моистларнинг зўравонликлари туфайли 200 га яқин киши ҳалок бўлганидан сўнг, ушбу ҳафта бошида мамлакатда фавқулодда ҳолат жорий этилган эди.

ПРОКУРОР НОРОЗИ

Халқаро Гаага трибуналининг бош прокурори Карла дель Понте Босния серблари армиясининг собиқ қўмондони Ратко Младични ҳибсга олишда Югославия ҳарбийларини ёрдам бермаётганликда айблади. Ваҳоланки, Младичга бир неча айблар қўйилган эди. Дель Понте хоним БМТ хавфсизлик кенгашида чиқиш қилар экан, Босния ва Герцеговина раҳбарияти билан ҳам муносабатлари қийин кечмоқда, деб таъкидлади. Тахминий маълумотларга кўра, Босниядаги фуқаролар урушида ҳарбий жиноятларни амалга оширган Радован Караджич шу ерда яшаётган экан.

«Internet» хабарлари асосида ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 111-гуруҳ талабалари томонидан тайёрланди.

ТОЛИБОНЛАР ЧЕКИНМОҚДА

Би-Би-Сининг хабар беришича, Афғонистон жанубидаги Қандаҳор аэропортининг бункерларида яширинаётган толибон қўшинларини АҚШ авиацияси бомбардимон қилишда давом этмоқда. Қандаҳор — толибонлар назорати остида қолган охирги вилоят. Шаҳарнинг собиқ ҳокими Гул Оға бошчилигида толибонларга қарши уруш олиб бораётган пуштунлар аэропортдан 6 километр жанубда жойлашган бўлиб, ҳозирча олдинга силжиш ниятида эмаслар.

БРАЗИЛИЯДА АВИАҲАЛОКАТ

Бортида 5 кишидан иборат экипажи бўлган вертолёт Бразилиянинг Риу-Гранди-ду-Сул штатида ҳалокатга учради. Глобо Нюс хабарига кўра вертолёт электростанция симёғочларига келиб урилган. Вертолётдаги 4 нафар инженер, учувчи, электростанция ишчиларининг тақдири ҳозирча номаълум.

Сора Эшонтўраева яратган, томошабинлар меҳрини қозонган Офелия, Гули, Жамила, Санобар образлари унинг шогирдлари ижросида яна «тилга» кирди.

ИТАЛИЯ КИНОЛАРИ ТОШКЕНТДА

Яқиндагина юртимизда француз кинолари намойиши бўлиб ўтган эди. Унда француз халқининг бир неча минг йиллик анъаналари, турмуш тарзи ифодаланган бир қатор фильмлар ўзбек томошабинлари эътиборига ҳавола қилинганди.

Якунланаётган ҳафтанинг бошида эса пойтахтдаги Алишер Навоий номидаги санъат саройида Италия киноси кунлари фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Итальян кино ижодкорлари яратган фильмлар бизга бегона эмас. Бунинг сабаби бир неча йиллардан буён юртимизда «Европа киноси кунлари» шиори остида ўтказилиб келинаётган фестивалда француз, инглиз, немис, чех кинолари билан бир қаторда итальян бадиий фильмларининг ҳам намойиш этилишидир.

Италиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, «Cinecitta Holding» компанияси, «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси ҳамкорликда ўтказаётган бу фестивалда, асосан, кейинги ўн йил ичида яратилган 3 та фильм ва итальян кинотасаларининг ўтган асрнинг 50-60-йилларида яратган энг яхши 4 та бадиий фильми томошабинлар ҳукмига ҳавола этилмоқда.

Софи Лорен, Микле Плачидо, Роберто Бенини каби жаҳон киноси юлдузлари ватани бўлган Италияда кино саноати ҳам жуда яхши ривожланган.

Бугунги кунда М.Мастроянни, Клаудио Амендола, Энрика Мария Модуньо каби бир қатор киноактёрлар фаолият кўрсатмоқдалар.

1995 йилда итальян кинорежиссёри Роберто Фаэнца суратга олган «Перейра тасдиқлайди». Р.Тоньяцци саҳналаштирган «Эскорт», 1999 йилда суратга олинган Изабелла Сандрининг «Йўлдан ўтаётган жониворлар» фильмлари ҳам итальян тилида, ҳам рус тилига таржима қилинган ҳолда А.Навоий номидаги Санъат саройида намойиш қилинди.

Ҳар бир фильмда ўзига яраша ижро услуби, суратга олиш санъати, актёрлар маҳорати яққол кўзга ташланади.

Француз киноларида ҳис-ҳаяжон, муҳаббат можаролари акс этса, итальян фильмларида кўпроқ сиёсий-ижтимоий, маиший ҳаёт кўринишлари акс этади.

1993 йилда суратга олинган «Эскорт» фильмида ёш судянинг уюшган жиноятчилар тўдаси билан курашиш учун ўз атрофига жамоа тўплаши ва бу жараён ниҳоясида бир бутун, ёш ва ғайратли йигит-қизлардан иборат гуруҳ тузилганлиги ҳикоя қилинади.

Ҳар бир давлат ёшларга, уларнинг бугунги куни, турмуш тарзига бефарқ эмас. Бу ўша давлат яратаётган фильмларда ҳам аксини топади. «Йўлдан ўтаётган жониворлар» фильми ҳам шартли номланган. Унда ёшларнинг бугунги кундаги орзу-умидлари, интилишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Бу фильмда Рим шаҳри атрофида яшовчи икки ёшнинг ҳаётда ўз ўрнини топиш учун ҳаракат қилиши ва бу ҳаракатлари давомида кичкинагина жиноятга қўл уриши актёрлар Энрика Мария Модуньо, Франческа Раллонинг маҳоратлари туфайли очиб берилган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, бу фильмнинг режиссёри Изабелла Сандри жаҳон киноусталари тан олган ва бир неча халқаро, бутундунё фестиваллари совриндори бўлган аёлдир.

1954 йилда режиссёр Ф.Феллини яратган «Йўл», 1960 йилда Л.Висконти суратга олган «Рокко ва унинг укалари» фильмлари ҳам фестивал дастуридан ўрин олган.

Эртага М.Антониони режиссёрлик қилган, 1961 йилда суратга олинган «Намозшом» («L'eclissi») фильми намойиши билан Италия киноси кунлари ниҳоясига етади.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

"АЁЛЛАРНИ АСРАНГ ЭРКАКЛАР!"

Шу кунларда Самарқанд вилоят Ҳамид Олимжон номидаги мусиқали драма театри жамоаси Санжарали Имомовнинг "Аёлларни асранг эркаклар" премьерасини саҳналаштирмоқда. Севги, муҳаббат, вафодорлик, оилани сақлаш ҳақидаги ғояларни илгари сурган ушбу асарни Машраб Бобоев ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, санъат арбоби Даврон Сафоев саҳнага қўймоқда. Бош ролларни Тошпўлат Очилтошев, Сарвиноз Саидовалар талқин қилмоқда. Асар ўз мухлислари қалбидан жой олади деган умиддамиз.

ТАЛАБАЛАР ИЖРОСИ

Яқинда Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг бир гуруҳ талабалари Самарқанд вилояти Ҳ.Олимжон номидаги мусиқали драма театрида Георгий Хучаевнинг "Адашганлар" асарини намойиш этди. Асарни Маҳмуд Латипов саҳналаштирган. Асарда диний экстремистик гуруҳларга адашиб кириб қолганларнинг аянчли ҳаёти ва пушаймони ҳақида ҳикоя қилиниб, динни ниқоб қилиб олиб ўз ватанини сотган кимсаларнинг қилмишлари очиб ташланган. Вилоят ёшлари спектаклни мириқиб томоша қилдилар. Уларнинг қалбида экстремистларга нисбатан нафрат, ўз ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат туйғуси уйғонди. Санъат олийгоҳи талабалари олқишлар билан пойтахтга қайтди.

ГУЛИ ВА ДЕЗДЕМОНА – МАНГУ ЯШАЙДИ

Яқинда Ўзбекистон Миллий академик театрида Сорахоним Эшонтўраева хотирасига бағишланган кеча ўтказилди. Кечада ўзбек театр санъати намоёндалари сўзга чиқиб, Сора Эшонтўраева ҳақида, унинг ўзбек миллий санъатига қўшган улкан ҳиссаси тўғрисида тўлиб-тошиб гапирдилар.

Сора Эшонтўраева ўзбек театрининг буюк актрисаси, ажойиб инсон, меҳридарё ва қалби кенг аёл, саховатли ва мурувватли устоз.

Сора Эшонтўраева ўзининг улкан иқтидорини, беназир ижрочилик қобилиятини, юксак маҳоратини жуда кўп драматик асарларда, жаҳон ва ғарб мумтоз саҳна асарларида яратган образлари орқали кўрсата билди.

У билан саҳнада елкама-елка туриб ишлаган Маннон Уйғур, Аброр Ҳидоятов, Олим Хўжаев, Обид Жалилов, Шукур Бурҳонов, Лутфихоним Саримсоқова, Тамарахонимлар бугунги кунда ҳар бир театр ихлосмандининг қалбида, хотирасида яратган катта-кичик образлари орқали мангу яшамоқдалар.

Сора Эшонтўраева «Алишер Навоий» спектаклида Алишернинг севгилиси Гули қиёфасида, жаҳон классик адабиётининг шоҳ асарлари ҳисобланган «Отелло», «Шоҳ Эдип», «Қароқчилар» спектаклларида Дездемона, Иокаста, Омалия роллари билан томошабинлар қалбига кирган.

Атоқли санъат намояндаси Ўзбекистон театри арбоблари ижодий уюшмасига асос солиб, уни кўп йиллар бошқарди. Ҳозирги Ўзбекистон Миллий академик театри директори бўлиб хизмат қилди.

Сора Эшонтўраева ҳаёт бўлганида 90 ёшни қаршилаган бўларди.

Хотира кечасида «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси директори М.Абдуқундузов, Ўзбекистон халқ артистлари Рихси Иброҳимова, Ёқуб Аҳмедов, Турғун Азизов, санъаткорнинг шогирдлари иштирок этишди.

Сора Эшонтўраева яратган, томошабинлар меҳрини қозонган Офелия, Гули, Жамила, Санобар образлари унинг шогирдлари ижросида яна «тилга» кирди.

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

З.М.Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида драматург Қобилжон Юнусовнинг "Эримнинг хотини" комедияси саҳнага қўйилди. Саҳналаштирувчи режиссёрлар Зарифа Хайдарова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист В.Лигай, рассом Улуғбек Абдуназаров. Спектаклдаги ролларни Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Саидбурхонов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Хабибулла Юнусов, Мавлуда Бойматова, артистлар Ойиста Маҳмудова, Муборак Саримсоқова, Муфаззал Каримова, Шерали Ибрагимов, Иқбол Қўлдошевлар марок билан ижро қилган. Асар муттаҳам ва товламачиликка қарши кураш руҳида суғорилган бўлиб, шу кунимиз учун долзарб муаммоларни ўзида акс эттирган.

Мухтасархон КАРИМОВА

ВИЛОЯТДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

Ўзининг 2500 йиллик тўйига тайёргарлик кўраётган Термиз шаҳри кундан-кунга чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда. Шу кунларда бу ерда қуриб фойдаланишга топширилаётган кўплаб иншоотлар, турар-жой бинолари, кўнгилочар майдонча ва хиёбонлар шаҳарнинг ҳуснига-ҳусн бўлиб қўшилмоқда.

Тўй арафасида вилоят болажонларига ажойиб туҳфа қилинди. Шаҳар марказида қўғирчоқ театрнинг иш бошлаши уларнинг қалбларини оламолам севинчга тўлдирди.

—Декабрь ойида воҳа болажонларининг ҳар бир куни янада мароқли ўтади,—деди театр режиссёри Ш.Пардаев.— Болалар юбилей ҳамда яқинлашиб келаётган янги йил муносабати билан турли саҳна кўринишлари ва қизиқарли томошаларнинг гувоҳи бўладилар. Айни пайтда театрнинг ижодий жамоаси ана шу тадбирларга катта тайёргарлик кўрмоқда.

Театр режиссёрининг айтишига қараганда, томошабинлардан нафақат шаҳарликлар, балки вилоят туманларидан келган кичкинтойлар ҳам баҳраманд бўладилар.

Сурхондарё вилояти, "Туркистон-пресс"

«БЕШ ҚИСМАТ»НИНГ САФАРИ

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машраб Кимсановнинг замондошларимиз ҳаётидан ишлаган навбатдаги фильми—"Беш қисмат" Термиз шаҳридаги "Баҳор" кинотеатрида намойиш этилганида томошабинлар Машраб Кимсанов ва фильм сценарийси муаллифи Ҳайрулло Эргашевни яна бир бора кашф этишди.

Фильмда ўзбекнинг поёнсиз қалби, меҳрибон дунёси, ўлмас қадриятлари ўз аксини топганлиги билан ҳам эътиборни ўзига тортади. Адолат Кимсанова, Эркиной Розиева, Азиза Бегматова, Ражаб Адашев, Комила Мамарасулова, Мамажон Норматов каби моҳир актёрларнинг талқини томошабинларга маъқул тушди.

"Беш қисмат" фильмининг Термиздаги тақдимотидан сўнг бош режиссёр М.Кимсанов, бош ролни ижро этган Адолат Кимсановалар томошабинлар қуршовида қолишди. Мухлислар даста-даста гуллар тақдим этишди. Бундай илиқ муносабат шундан дарак берадики, "Беш қисмат" инсон руҳияти қирраларини очишда ўзига хос бир саҳифа бўла олган.

БУГУН ЖЧ—2002 ФИНАЛ ЎЙИНЛАРИГА ҚУРЪА ТАШЛАНАДИ

Чоршанба куни Пусан шаҳридаги "Parodige" меҳмонхонасида, ЖЧ—2002нинг ташкилий қўмитаси бугун бўлиб ўтадиган қуръага киритилган терма жамоаларни тоифаларга бўлганди. Бундан мақсад, битта тоифадагиларнинг финал турнирида битта гурухда тўп сурмасликларини белгилаб олиш эди. Бироқ 2-саватча ўзгача кўриниш олди, ундаги 8 та ўринга жаҳон чемпиони Франция, Италия, Германия ва Испания каби давлатлардан ташқари Европанинг бошқа барча 11 та термалари киритилган. Яъни, уларнинг биронтаси битта гурухда бўлиб қолишлари мумкин.

Хуллас, бугун ЖЧ—2002 финал ўйинларига қуръа ташланади.

БУТЕНКО "ПАХТАКОР"НИ ТАРК ЭТМОҚЧИ?

Россия оммавий ахборот воситаларида хабар берилишича, "Пахтакор" жамоасининг россиялик устози Сергей Бутенко яқин орада Тольятти шаҳрининг "Лада" клубига бош мураббий этиб тайинланиши мумкин экан. Яқинда якунланган чемпионатда "Лада"ни биринчи дивизионда олиб қолишнинг уддасидан чиққан мутахассис Александр Гармашов, бошқарувдан клуб раҳбарлик лавозимларидан бирига ўтишни танлади. Ўз ўрнига Бутенкони таклиф этиш фикри ҳам Гармашовдан чиққан.

БАВАРИЯ ИККИНЧИ БОР ҚИТЪА ЧЕМПИОНИ

Бир неча йиллардан буён анъанавий тарзда давом этиб келаётган Жанубий Америка ва Европа қарама-қаршилигининг бу йилги баҳсида қўҳна қитъа вакиллари устунлик қилди. Қитъаларда кубок ўйинлари 42 йилдан бери ўтказиб келинаётган бўлса, бу турнирни Японияннинг "Тойото" компанияси ҳомийлигига олиб, уни Токиода ўтказиб келмоқда. Биринчи марта ушбу кубокни 1976 йили қўлга киритган «Бавария» бу йил ҳам ғолиб бўлди.

Бунда кубокнинг финалида Мюнхеннинг "Бавария" жамоаси Аргентинанинг "Бока Хуниорс" клуби билан учрашиб, 1:0 ҳисобида енгди.

КАРПОВДАН ОМАД ЮЗ ЎГИРДИ

Москвада ўтказилаётган шоҳмот бўйича жаҳон чемпионатида Анатолий Карпов ақл гимнастикаси оламида Крамник ҳамда Каспаровлардан кейинги учинчи ўринни сақлаб қололмади.

Боиси, у хитойлик Чилам Пенчаньга имкониятни бой бериб қўйди.

Шунингдек, рус гроссмейстерларидан бири Александр Морозович эса Нирзор Зеляковни 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи давра ўйинларига йўлланма олди.

ЖАҲОН СПОРТИ: ГЕРМАНИЯ

Германияда спорт — бўш вақтни унумли ўтказишнинг бир усулидир. Спортга қизиқиш нафақат ойнаи жаҳон олдида, балки энг аввало спорт майдонлари ва уюшмаларида кўринади. Мамлакатда 86.000 ана шундай уюшмалар мавжуд бўлиб, улар Германиянинг Спорт ташкилотлари иттифоқига бирлаштирилган. Германияда спорт уюшмаларининг ҳар бири мустақил иш олиб боради. Тенгҳуқуқлик асосида спорт ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Эндиликда бундай тартиб спортнинг мустақил тизими шаклланган бошқа давлатларда ҳам қўлланилмоқда.

Германия Спорт ташкилотлари иттифоқи мамлакатдаги асосий спорт ташкилоти ҳисобланади. Унга 16 та маҳаллий спорт иттифоқлари ва кўпгина спорт федерациялари бирлаштирилган. Уларда қарийб 2 ярим миллион одам фаолият кўрсатмоқда. Германияда ҳаваскорлар учун 46.000 га яқин мактаб ва бошқа спорт майдончалари, бундан ташқари 30.000 га яқин спорт ва гимнастика заллари, 5.500 та очиқ ва ёпиқ сув ҳавзалари қурилган. Германияда аъзоларининг сони жиҳатидан энг катта бўлган ташкилот, шубҳасиз, 5,8 миллион аъзосига эга Германия Футбол иттифоқидир. Шу билан бирга мамлакатда минглаб ҳаваскор футбол клублари ҳам фаолият юритмоқда. Футбол томошабинлар орасида ҳам энг оммабоп спорт тури ҳисобланади. Футбол билан бир қаторда теннис, гольф, хоккей ва баскетбол каби спорт турлари ҳам тобора оммавийлашиб бормоқда. Штеффи Граф, Анке Хубер, Борис Беккер ва Михаэль Штих каби машҳур юлдузларнинг кўпгина халқаро мусобақаларда эришган муваффақиятларидан сўнг теннис ҳам оммавий спорт турига айланган. Бундан ташқари немис спортчилари "Формула-1" мусобақаларида икки бор жаҳон шоҳсупасига кўтарилганлар. Михаэль Шумахер Германия мотоспортининг шуҳратига катта ҳисса қўшди. Хенри Маске ва Аксел Шульцеларнинг йирик ғалабаларидан сўнг спортнинг бокс турига ҳам қизиқувчилар сони ортиб бормоқда. 1997 йил Ян Ульрих немислар орасида биринчи бўлиб "Тур де Франс" велопойгаларида ғалабага эришди. Германиядаги спорт иттифоқларида спорт турларининг хилма-хиллиги ортиб бормоқда. Ҳозирги кунда оддий бир уюшмада ҳам футбол, қўл тўпи, воллейбол, баскетбол, теннис ва стол тенниси ўйнаш ҳамда гимнастика ва енгил атлетика билан шуғулланиш имкониятлари яратилган. Булардан ташқари, ногиронлар, катта ёшдагилар ва болали аёлларнинг спорт билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратишга ҳам алоҳида эътибор берилган. Оммавий спортни ва бўш вақтда спорт билан шуғулланишни ривожлантириш мақсадида Германия Спорт ташкилотлари иттифоқи томонидан "Спорт билан шуғуллан", "Спорт ҳамма учун" каби шиорлар остида югуриш, сузиш, чанғида учиш ва велопойга мусобақалари ташкил этилади. Ҳар йили бу мусобақаларда миллионлаб ҳаваскор спортчилар иштирок этадилар. Иттифоқ томонидан топшириладиган олтин, кумуш ва бронза кўкрак нишонлари спортчилардаги қизиқишни янада орттиради.

Катта спорт учун Германияда федерал шуғулланиш марказлари, олимпия спорт базалари мавжуд бўлиб, уларда етакчи спортчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Ҳозирги кунда юксак натижаларга эришишнинг шартлари спортчиларнинг мунтазам шуғулланишлари, уларнинг тиббий ва ижтимоий жиҳатдан таъминланиши ҳамда уларга молиявий ёрдам кўрсатилишидан иборатдир. 1967 йилдан буён бу ишни "Германия спортига ёрдам кўрсатиш фонди" амалга ошириб келмоқда. Бу фонд спортчиларнинг ижтимоий жиҳатдан таъминланишига ёрдам беради. Фонд, шунингдек кейинчалик спортчиларнинг иш билан таъминланишида ҳам кўмаклашади.

Давлат томонидан спортга молиявий жиҳатдан ёрдам берилишини маълум маънода ўзига-ўзи ёрдам деб тушуниш мумкин. Федерациялар катта спортни рағбатлантирадилар. Шу мақсадда улар турли хил мусобақа программаларига, мусобақаларнинг тиббий хизматига, мураббийларни ўқитиш, уларнинг малакасини оширишга, янги иншоотлар қурилишига ҳамда спорт соҳасида тадқиқот ишлари ўтказишга субсидиялар ажратади. Шу билан бирга турли халқаро спорт федерациялари билан алоқалар боғлашга алоҳида эътибор қаратилади. 1962 йилдан бери Германия 130 дан ортиқ давлатларда спортни ривожлантиришга 200 миллион немис маркасига яқин маблағ сарфлади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, футбол Германияда энг оммабоп спорт тури ҳисобланади. Германия Бундеслигаси Англия, Италия, Испания ва Франциялар қаторида Европадаги энг яхши лигалар бешлигига киради. Германия миллий терма жамоаси уч бора 1972, 1980 ва 1996 йилларда Жаҳон чемпиони деган номга сазовор бўлган. 26 марта Европа чемпионати финалида қатнашиб, 15 марта ғалаба қозонган, 7 марта дуранг ўйнаган ва 4 марта мағлубиятга учраган. Германия миллий терма жамоаси 2002 йил Япония ва Кореяда бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионати ўйинларига қизғин тайёргарлик кўрди ва унда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Германиядаги футбол майдонларига тўхталсак. Леверкузендаги "Ульрих Хаберланд" стадиони ўзининг ҳажми ва гўзал архитектураси билан дунёнинг энг гўзал стадионлари рўйхатига киритилган. Мюнхеннинг "Олимпия" стадиони ҳам 20 йил олдин жаҳоннинг энг катта стадионлари сафида турган. Ҳозирги кунда Мюнхенда янги замонавий стадион қурилиши режалаштирилган.

Оммавий спорт ва бўш вақтда спорт билан шуғулланиш ривожига ҳамкорлик қилиш, энг аввало, ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари олдида турган муҳим масала ҳисобланади. Спортни молиявий жиҳатдан рағбатлантириш тизими федерация ва уюшмаларнинг ўзаро боғлиқлиги асосида амалга оширилади. Бунда асосий эътибор спорт иншоотларини қуриш, мактаб, олий ўқув юртлари ва бошқа жамоат ташкилотларида спортни ривожлантиришга қаратилган.

Фарҳод ИРДАШЕВ ва Абдулҳай ЖЎРАЕВ тайёрладилар.

"ДЭВИС КУБОГИ" 100 ЙИЛ

Теннисннинг халқаро турнирларидан бири бўлган Дэвис кубоги мусобақаси ўзининг юз йиллик юбилейини нишонлади. Мусобақа ғолиби 70 кг ли соф кумуш соврин билан тақдирланиб келинади.

Тарихга назар ташласак, мусобақа ташкил қилинган дастлабки йилларда, фақат икки давлат — АҚШ ва Британия вакиллари теннисннинг бу тури бўйича баҳслашарди. Биринчи жаҳон уруши йилларида булар қаторига Франция, Бельгия, Австрия, Австралия, Германия, Канада каби давлатлар ҳам қўшилди. Дэвис кубоги теннисннинг энг моҳир ўйинчиларини ўзига жалб қила олди. Бу бир асрлик кубокнинг афсонавий қаҳрамонларига айланган Фред Перри, Рин Лакосте, Бил Тилдн, Род Лавер, Артур Аши, Жон Мкенрой ва Стифн Идбергларнинг маҳоратларини ҳозирги кунда Андрей Агасси, Борис Беккер, Марсело Риос, Патрик Рафтер, Алекс Коррежа, Карлос Мойа, Тим Хинман ва Гред Рузетскилар давом эттирмоқдалар.

Мусобақа қуйидаги тартибда ўтказилади. Кубок ўйинларининг очилиш кунида ҳар бир команданинг 2-тартиб рақамли якуний ўйинлари ноябрь ойининг охирларига ёки декабрь ойининг бошларида ўтказилади.

1981 йил НЕК ҳамкорлиги асосий ҳомий сифатида Дэвис кубоги мусобақаларида иш бошлади ва шу йилда биринчи марта пул мукофотлари қўйилди ва бу анъана 19 йилдан буён давом этмоқда. Шундай қилиб НЕК, Дэвис кубогини қўллаб-қувватлашда, ОПЕЛ-ЖиэМ, ХЕЙНИКЕН, Хюго Бос, Радо ҳомийлар қаторига қўшилди.

О.ФОЗИЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси

ЖЧ-2002 – САРИҚ КАРТОЧКА ОЛГАНЛАР АФВ ЭТИЛАДИЛАР

Жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинлари давомида сариқ карточка олган футболчиларга ФИФА томонидан амнистия эълон қилинди. Шундай қилиб, ЖЧ—2002 финал босқичини барча футболчилар бўйинларидаги сариқ карточкаларни соқит қилган ҳолда ўйнайди. Бироқ халқаро футбол федерацияси аввал берилган дисквалификациялар тўлиқ, яъни ЖЧ—2002 финал босқичида ҳам ўталишини талаб қилмоқда.

Шунингдек, финал босқичда қатнашиш учун тўланадиган бадал миқдори ҳам эълон қилинди. 32-финалчининг ҳар бири "айрим сарф-харажатларни" қоплаш учун 1 миллион Швейцария франки миқдорида пул тўлайди. Чемпионатнинг мукофот миқдори эса яқин кунларда эълон қилинади.

ПОЛВОН МАКТАБ ОЧМОҚЧИ

Ўзбек миллий курашининг довруғини дунёга таратаётган, бир неча халқаро турнирлар ғолиби, деновлик полвон Эрали Маҳмарасулов шундай ахд қилди. Полвоннинг айтишича, билагида ёввойи куч бўлган ўсмирнинг катта полвон бўлиши учун тарбия, тажриба мактаби керак.



— Шу боис полвонлар мактабини очишни ният қилдим, — дейди Эрали полвон, — Спорт анжомларини сотиб олмоқчиман. Мактаб учун жой масаласига келсак, туман ҳокимлиги ёрдам кўрсатмоқчи.

Ажабмас, тез вақт ичида мактабда Эрали Маҳмарасулов, Тоштемир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев сингари полвонлар етишиб чиқса.

«Туркистон-пресс»

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази жамоаси Андижон вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Назаровга синглиси **Махсудахон МЕЛИБОЕВА**нинг бевақт вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Анжуманда АҚШда ислом динининг аҳамияти, унинг тарқалиш сабаблари, исломнинг Америка жамиятида тутган ўрни ва роли, мусулмонларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти тўғрисида суҳбатлашилди.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

қошидаги "БИЗНЕС МАРКАЗИ" сизларни 2001-2002 ўқув йили учун олий ўқув юртига кирувчиларни тайёрловчи тайёрлов бўлимига ўқишга таклиф қилади.

Мана неча йилдирки, бизнинг тайёрлов бўлимимизда Республикамизнинг барча шаҳар ва вилоятларидан келиб таҳсил олган ёшларимиз турли хил олий ўқув юртларига ўқишга кириб, талабалик бахтига муяссар бўлиб келмоқдалар. Тайёрлов бўлимида университетимизнинг энг етук профессор-ўқитувчилари сабоқ бериб, уларга ўз ҳаёт йўлларини танлашда ёрдам бериб келмоқдалар.

Сизларга қулай бўлиши учун машғулотларимиз кунинг иккинчи ярмида соат 15:00 дан 18:00 гача олиб борилади, яъни сизда куннинг биринчи ярмида мактабда ўқиш ёки бирон-бир корхонада ишлаш имконияти бўлади.

Тайёрлов бўлимимизда ўқишингиз давомида тест маркази билан компьютер асосида масофавий уланган махсус тест дастури орқали ўз билимингизни синаш имконияти бўлади.

Машғулотларнинг мунтазам жадвал асосида узлуксиз олиб борилишига кафолат берамиз.

Пул тўлаш, нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.



Қўшимча маълумотлар учун телефон:
55-55-68, факс: 54-92-17, факс: 55-50-77
Манзил: Низомий номидаги ТДПУ, Асосий бино, "Бизнес марказ" бўлими, 1-25 хона.



АМЕРИКАДА ИСЛОМ ДИНИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида АҚШнинг Жорж Вашингтон Университети профессори Хибба Абужидейри ва талабалар иштирокида "Америкада ислом" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда ЎзДЖТУ ректори Ж.Бўронов, халқаро алоқалар бўйича ректор муовини Г.Боқиевалар иштирок этишди. Анжуманда АҚШда ислом динининг аҳамияти, унинг тарқалиш сабаблари, исломнинг Америка жамиятида тутган ўрни ва роли, мусулмонларнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаёти тўғрисида суҳбатлашилди.

— Ислом дини жаҳон динлари орасида энг кўп киши эътиқод қиладиган ва Америкада жуда тез тарқалаётган диндир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 7 млн. мусулмонлар бор ва улар аҳолининг, жамиятнинг ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий ҳаётида салмоқли аҳамиятга эга. АҚШда фаолият кўрсатувчи Халқаро Ислом Институти ва Ижтимоий Ислом фанлари мактаби фикримнинг ёрқин далилидир, — деб таъкидлади Х.Абужидейри. Анжуман сўнгида талабалар иштирокчиларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар.

Дилдора МЕЙЛИЕВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Тошкент вилояти педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти кафедралар бўйича бўш (вакант) ўринларга малакали профессор-ўқитувчилар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

I. "Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари" кафедраси:
1. Мудир (фан доктори ёки фан номзоди)
2. Профессор — 1 ўрин
3. Доцент — 4 ўрин
4. Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 5 ўрин
5. Катта ўқитувчи-ташкилотчи — 2 ўрин

II. "Тил ва адабиёт таълими" кафедраси:
1. Мудир (фан доктори ёки фан номзоди)
2. Профессор — 1 ўрин
3. Доцент — 4 ўрин
4. Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 5,5 ўрин
5. Катта ўқитувчи-ташкилотчи — 3 ўрин

III. "Психология, педагогика ва менежмент" кафедраси:
1. Мудир (фан доктори ёки фан номзоди)
2. Пофессор — 1 ўрин
3. Доцент — 4 ўрин
4. Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 5 ўрин
5. Катта ўқитувчи-ташкилотчи — 2 ўрин

IV. "Бошланғич ва мактабгача таълим" кафедраси:
1. Мудир (фан доктори ёки фан номзоди)
2. Доцент — 2 ўрин
3. Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 4 ўрин
4. Катта ўқитувчи-ташкилотчи — 2 ўрин

V. "Табиий ва аниқ фанлар" кафедраси:
1. Мудир (фан доктори ёки фан номзоди)
2. Профессор — 2 ўрин
3. Доцент — 4 ўрин
4. Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 7 ўрин
5. Катта ўқитувчи-ташкилотчи — 3 ўрин

VI. "Амалий фанлар" кафедраси:
1. Мудир (фан доктори ёки фан номзоди)
2. Доцент — 2 ўрин
3. Катта ўқитувчи (фан номзоди) — 5,5 ўрин
4. Катта ўқитувчи-ташкилотчи — 2 ўрин

Ариза ва ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент, 700064, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 64-уй, кадрлар бўлими.

Телефонлар: 55-33-07, 55-33-28, 55-43-60.

Qutlov

Азиз ва ҳурматли Йўлдошбой АБДУЛЛАЕВ!

Сиз Жиззах вилояти Фориш туманидаги 19-мактаб ёшларига 40 йилдан буён тарих ва ҳуқуқшунослик фанларидан пухта билим бериб келяпсиз. Ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнатларингиз шогирдларингиз камолида мужассамдир.

Азиз устоз! Туғилган кунингиз муносабати билан самимий қутлаймиз, Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, омонлик тилаймиз.

Фориш туманидаги 19-мактаб жамоаси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Райҳон ХОЛМУРОДОВА.
Навбатчи: Баҳодир ЖОВЛИЕВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-3117. Тиражи 14 527
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — [illegible]